O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KUTUBXONA

SHU AZIZ VATAN — BARCHAMIZNIKI

O'ZBEKISTON OVOZI

XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI O'ZBEKISTON

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

■ 2003-YIL ■ 25-DEKABR ■ PAYSHANBA ■ 150-151 (27.171) ■ uzbovozi@sarkor.uz ■ 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan.

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

Шавкат АКРАМОВ олган суратлар

ЎРТА ОСИЁДА ЯГОНА

Жиззах шаҳрида «ЎзЭКСАЙД» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси яқинда иш бошлади. Жами 90,3 миллион АҚШ доллари миқдоридаги лойиҳа қийматига эга бўлган ушбу йирик ишлаб чиқариш мажмуасида бугунги кунда 404 нафар жиззахлик ёшлар меҳнат қилишаяпти. Қурилиш-созлаш ишлари ва технологик жиҳозларни ўрнатиш Туркиянинг «Айсель» фирмаси ҳамда пудратчи ташкилотлар томонидан амалга оширилди.

Бир йилда 1 миллион донадан ортиқ олти турдаги аккумуляторлар ишлаб чиқариш қувватига эга бўлган қўшма корхона маҳсулотларининг эллик фоизи республикамиз эҳтиёжи учун, қолган ярми эса экспортга мўлжалланган. Яқинда корхона қошида йилига 8 минг тонна қўрғошин қолдиқларини қайта ишлайдиган цех қурилиши ҳам ниҳоясига етказилди.

Қўшма корхона олтмиш фоиз маҳаллий хомашё ҳисобига ишламоқда.

Компьютерлаштирилган ишлаб чиқариш жараёнларини бошқаришни маҳаллий йигит-қизлар тез, ва пухта ўзлаштириб олишаяпти.

Иброҳим ЖОНУЗОҚОВ

❖ ❖ ❖

Суратларда: аккумуляторларни йиғув цехи операторлари Садриддин Қурбонов билан Феруз Халиловлар; корхонанинг тайёр маҳсулотлари; илғор ишчи Сервар Анжигареев.

ЎЗБЕКИСТОН ЭЛЧИСИ — МУКОФОТ СОҲИБИ

Деҳли шаҳрида Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конгрессининг бешинчи анжумани бўлиб ўтди. Ҳиндистон Инсон ҳуқуқлари институти (Indian institute of Humant Rights) ташкилотчилигида ўтказилган ушбу анжуманда Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конгрессининг 2002-2003 йиллар якуни бўйича Ҳиндистонда фаолият кўрсатаётган дипломатия корпуси вакиллари орасидан Ўзбекистон Республикасининг Ҳиндистондаги Фавқулодда ва мухтор элчиси Иброҳим Мавлоновнинг «Инсоннинг универсал ҳуқуқлари ҳимояси учун» мукофотига сазовор бўлгани маълум қилинди.

Умумжаҳон университети (The Global University) ректори, профессор П.Р.Триведи янги мустақил давлатларда инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб борилаётган ички сиёсат масалалари ҳақида тўхталиб, Ўзбекистонда бу соҳада амалга оширилаётган саъй-ҳаракатлар диққатга сазовор эканини таъкидлади. Нотиқ 2002 йили ўзининг Ўзбекистонга сафари чоғида мамлакатимиз ҳукуматининг инсон ҳуқуқлари ҳимояси йўлида олиб бораётган фаолияти билан яқиндан танишганини айтди.

Профессор П.Р.Триведи Ўзбекистонда ўтказилаётган демократик ислоҳотлар ҳақидаги ахборотларнинг Ҳиндистон оммавий ахборот воситаларида кенг ёритилиши ҳамда ўз мамлакати тақдимотларида маҳаллий матбуот ва жамоатчилик билан яқин ошкора алоқалари учун Ўзбекистон элчиси ушбу мукофотга лойиқ топилганини қайд этди.

Ўз-ўзидан аёнки, мамлакатимиз дипломатия ваколатхонаси раҳбарининг ушбу фахрий мукофот билан тақдирланиши Президентимиз И.А.Каримов раҳбарлигида Ўзбекистон ҳукуматининг инсон ҳуқуқларини ҳимоя қилиш борасида олиб бораётган фаолиятининг элчи тимсолида муносиб равишда эътироф этилишидир.

Инсон ҳуқуқлари умумжаҳон конгрессининг бешинчи анжумани якунида мукофотларни топшириш маросими бўлиб ўтди. Мазкур мукофотга сазовор бўлганлар орасида БМТ Озиқ-овқат дастурининг Ҳиндистондаги директори Дэвид Флетчер, БМТнинг Деҳлидаги ахборот маркази директори Фёдор Старкевич, ЮНИСЕФнинг Ҳиндистондаги ваколатхонаси директори ўринбосари Дэвид Грессли ҳамда БМТнинг ОИТСга қарши кураш дастури вакили Метин Дью хоним ҳам бор.

Шуҳрат УМИРОВ,
«Жаҳон» АА,
Деҳли.

АБДУЛЛА ОРИПОВ ШЕЪРИЯТИ РУС ТИЛИДА ЯНГРАДИ

Тошкентда Ўзбекистон халқ шоири, Ёзувчилар уюшмаси раиси Абдулла Орипов шеърларининг рус тилидаги китоби тақдимоти ўтказилди. Унда фан, маданият ва санъат арбоблари, шунингдек, Россиянинг мамлакатимиздаги элчихонаси вакиллари иштирок этди.

Сўзга чиққанлар ўқувчини жаҳон адабиёти дурдоналари билан таништиришда таржимоннинг хизмати беқиёс эканини қайд этдилар.

— Ижодимда кўпгина буюк ижодкорларнинг асарларини ўзбек тилига таржима қилганман, — деди Абдулла Орипов **«Туркистон-пресс» мухбирига.** — Адабий асарни, айниқса шеъриятни таржима қилиш ниҳоятда мураккаб. Таржимондан шеър руҳи, оҳанги, мазмуни ва асл нусхадаги гўзаллигини сақлаб қолган ҳолда бошқа тилга ўгириш талаб этилади. Ана шунда таржимоннинг маҳорати яққол намоён бўлади. Шеърларимни рус тилига таржима қилган Александр Файнберг билан ижодий ҳамкорлигимизни давом эттирамиз, деб умид қиламан.

Ҳақиқатан ҳам Абдулла Орипов рус тилидаги янги шеърий тўпламини қўлига олган ўқувчи таниқли таржимон ва шоир Александр Файнбергнинг маҳоратига тан бермай иложи йўқ.

ЯНА ИККИ ҚЎШМА КОРХОНА

«Шаҳрисабзгўшт» масъулияти чекланган жамият жамоаси билан «Урал» (Бошқирдистон) савдо-сотиқ ишлаб чиқариш компанияси бош қўшган янги «Кеш-Уфаинвест» Ўзбекистон — Россия қўшма корхонасининг низом жамғармаси 150 минг АҚШ долларини ташкил этади. Келгусида бу ерда замонавий технологиялар асосида гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва қадоқлаш йўлга қўйилади.

Бошқирдистонлик сармоядорларнинг яна бир ҳамкори Шаҳрисабздаги «Сардор» хусусий корхонаси бўлди. Мазкур корхонада саноат чиқиндисини қайта ишлаш, калава ва мато тайёрлаш, автомобиль двигателига газ билан ишлайдиган мосламалар ўрнатиш сингари ишлар, шунингдек, савдо-воситачилик фаолияти амалга оширилади.

Юнус УЗОҚОВ

ТОШКЕНТ ШАҲАР КЕНГАШИ СЕССИЯСИ

Халқ депутатлари Тошкент шаҳар кенгашининг сессияси бўлиб ўтди.

Тошкент шаҳар ҳокими Р.Шоабдураҳмонов бошқарган сессияда пойтахтни 2003 йилда ижтимоий-иқтисодий ривожлантириш якунлари ҳамда 2004 йилда ислоҳотларни янада чуқурлаштиришга доир масалалар муҳокама этилди. Таъкидланганидек, Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан ўтган вақт мобайнида пойтахт қиёфаси янада кўркамлашди, янги-дан-янги саноат корхоналари, меҳмонхоналар, тиббиёт муассасалари, билим даргоҳлари, турар жойлар қад ростлади.

Асосий иқтисодий кўрсаткичлар бўйича ўсиш суръатлари таъминланди. Шаҳар ҳудудий ички маҳсулот ҳажми ўтган йилга нисбатан 106,5 фоиз, саноатда маҳсулот ишлаб чиқариш ҳажми 110,1 фоизни ташкил этди. Истеъмол моллари ишлаб чиқариш, чакана савдо айланмаси, пуллик хизматлар кўрсатиш, экспорт ҳажми ҳам ортди.

«Обод маҳалла йили» дастурига мувофиқ маҳаллаларни кўкаламзорлаштириш, қўшимча иш ўринлари яратиш, халқимиз, айниқса, ўсмирларни соғломлаштириш, болалар спортини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилди. Тўртта спорт мажмуи фойдаланишга топширилди. 2004 йил — Меҳр ва мурувват йилида бу борадаги ишлар кўламини янада кенгайтириш зарурлигига эътибор қаратилди.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

МАЪНАВИЙ-МАЪРИФИЙ ТАРБИЯ

Самарқанд давлат университетида Республика «Маънавият ва маърифат» маркази билан ҳамкорликда «Замон, ислоҳот ва маънавий-маърифий тарбия» мавзуида республика илмий-амалий конференцияси ўтказилди. Анжуманни мазкур университет биринчи проректори Муслиҳиддин Муҳиддинов очиб, юртимизда ҳам жисмонан, ҳам маънан баркамол авлодни тарбиялаш борасида олиб борилаётган ислоҳотлар хусусида тўхталди.

Конференция давомида Қорақалпоғистон Республикаси, Тошкент шаҳри ва барча вилоятлардан таклиф этилган олимлар, таълим-тарбия соҳаси вакиллари «Тарбия назарияси ва методологияси», «Тарбия ва миллий мерос», «Тарбиянинг замонавий муаммолари» каби шўъбаларга бўлинган ҳолда иш олиб бордилар. Шўъбалар ишида таниқли адабиётшунос олимлар — академик Ботирхон Валихўжаев, филология фанлари доктори, профессор Нажмиддин Комилов, Республика «Маънавият ва маърифат» маркази раҳбари ўринбосари Султонмурод Олимов, марказ бўлим мудирлари Зиёда Ғаффорова, Шуҳрат Орипов ва бошқалар иштирок этдилар.

Мазкур тадбирдан кўзланган мақсад жойларда маънавий-маърифий, тарбиявий муҳитни юксалтириш, ёшларни миллий истиқлол ғояси асосида саъй-ҳаракатларни мувофиқлаштириш ва такомиллаштиришдан иборат. Бу тажриба келгусида республиканинг бошқа ҳудудларида ҳам давом эттирилади.

Республика «Маънавият ва маърифат» маркази ахборот гуруҳи

«Меҳр ва мурувват» йили арафасида Москвадан ташриф буюрган бир гуруҳ вакиллар Андижон вилоят ногиронлар жамиятининг Булоқбоши тумани бўлимига дори-дармонлар ва зарур ускуналарни топширди.

ЛУЖКОВНИНГ СОВҒАСИ

Меҳмонлар иккинчи жаҳон уруши фахрийси, туман ногиронлар жамияти раиси Назир Сулаймоновга Москва шаҳри мэри Юрий Лужковнинг махсус совғасини топширишди.

— Россия давлати Москва шаҳрини мудофаа қилишда қон тўккан кишиларни унутмаганидан беҳад хурсандман, — деди Назир Сулаймонов **«Туркистон-пресс» мухбирига.** — Биз фахрийларга бундай эътибор, албатта, кўнглимизни тоғдек кўтаради. Қолаверса, бу рағбат ёш авлодни миллатлараро дўстлик ва ҳамжиҳатлик руҳида тарбиялашда ўзига хос сабоқ бўлади. Истагим шуки, Ўзбекистон ва Россия мамлакатлари ўртасидаги дўстлик йилдан-йилга мустаҳкамла иб бораверсин.

Спорт

11 ФУТБОЛЧИГА — 11 «МАТИЗ»

Якунланаётган йилда «Пахтакор» (Тошкент) футбол жамоаси бир қатор муваффақиятларга эришди. Пахтакорчилар Ўзбекистон XII миллий чемпионатида чиройли ва бетакрор ўйинлар намойиш этиб, мамлакат чемпиони ҳамда 2002-2003 йилги биллур соврини соҳиби бўлдилар. Шунингдек, жамоа қитъамизда илк маротаба ўтказилган Осиё чемпионлари лигаси учрашувларида ишончли тўп суриб, ярим финалга чиқди. «Пахтакор» базасида шаклланган Ўзбекистон терма жамоаси келаси йили Хитойда ўтадиган Осиё чемпионатига йўлланмани қўлга киритди. Айниқса, асосини пахтакорчилар ташкил қилувчи мамлакат ёшлар терма жамоасининг футболимиз тарихида биринчи бўлиб, ААда ўтказилган жаҳон чемпионатида қатнашганлиги йилнинг муҳим воқеаларидан бири бўлди.

Яқинда пойтахтимиздаги «Dedeman Silk Road Tashkent» меҳмонхонасида мамлакатнинг тўрт карра чемпиони, беш карра Ўзбекистон кубоги соҳиби — «Пахтакор» футболчиларини тантанали тақдирлаш маросими ўтказилди. Тантанада Ўзбекистон Футбол федерацияси президенти Зокиржон Алматов, Тошкент шаҳар ҳокими, «Пахтакор» футбол клуби президенти Рустам Шоабдураҳмонов, клуб вице-президенти Равшан Файзуллаев, Ўзбекистон Болалар спортини ривожлантириш жамғармаси раиси Алишер Мирқосимов ва бошқалар сўзга чиқиб, футболчиларни 2003 йилда эришган ютуқлари билан табриклади-лар.

Сўнгра, ЎФФ президенти З.Алматов пахтакорчиларга олтин медалларни топширди. Мавсум давомида жамоа муваффақиятига муносиб ҳисса қўшган ўн бир футболчини Тошкент шаҳар ҳокимлиги ўн битта «Матиз» автомобили билан тақдирлаши тўғрисидаги хабар эълон қилинганида залда гулдурос қарсаклар янгради.

Эл суйган ҳофиз Ғуломжон Ёқубов, хонанда Дилноза Мирзахўжаева, «Хўжа», «Аъло» гуруҳларининг чиқишлари тантанага янада файз киритди.

Эркин ХОЛБОБО

❖ ❖ ❖

Суратда: тақдирлаш маросимидан лавҳа.

Абдувоси ҲАЙДАРОВ олган сурат

ТАДБИР САМАРАЛИ ЯКУНЛАНДИ

Вазирлар Маҳкамасининг Фармойишига биноан мамлакатимизда шу йилнинг 20 ноябридан 20 декабригача ўтказилган «Ёнғин хавфсизлиги ойлиги» ниҳоясига етди.

Тадбир давомида корхоналар, муассасалар ва ташкилотлар объектлари ҳамда уй-жой фонди ёнғин хавфсизлиги талабларига мувофиқ ҳолга келтирилди.

— Тошкент шаҳрида ойлик уюшқоқлик билан ташкил этилди, — деди Тошкент шаҳар ички ишлар Бош бошқармаси ёнғин хавфсизлиги бошқармаси бошлиғи ўринбосари Турғунбой Саматов ЎзА мухбирига. — Ёнғин хавфсизлиги хизмати ходимлари идора ва ташкилотлар, мактаблар ва мактабгача таълим муассасалари, олий ўқув юртлари, маҳаллаларда кенг кўламли тушунтириш ишлари олиб борди, суҳбатлар ўтказди.

Ёнғин хавфсизлиги қоидаларига риоя этиш ишлари қандай ташкил этилганини ўрганиш ҳамда ёнғин хавфсизлигини таъминлаш чоралари самарадорлигини ошириш мақсадида доимий текширишлар ўтказилди. Аниқланган камчиликлар ва уларни бартараф этиш бўйича корхона, ташкилот ва уй-жой ширкатлари раҳбарларига 57 мингга яқин ёзма кўрсатма берилди. Ёнғин хавфсизлиги қоидаларини қўпол равишда бузган 2 мингдан кўпроқ мансабдор ва масъул шахсга нисбатан қарийб 6 миллион сўм миқдорда жарима солинди. Ёнғин чиқиш хавфи бўлган 2 мингдан зиёд корхона, ташкилот ва муассасага тегишли омбор ва ёрдамчи ишлаб чиқариш иншоотларидан фойдаланиш тақиқланди. 4 мингдан кўпроқ ноқонуний уланган ва носоз электр, газ тармоқлари манбасидан узиб қўйилди.

Ойлик якуни ёнғин туфайли ҳалок бўлганлар ва жароҳатланганлар сони ўтган йилнинг шу даврига нисбатан сезиларли даражада камайганини кўрсатди.

Тадбир давомида олиб борилган тарғибот, назорат-профилактика ишлари натижасида ёнғинларнинг умумий сонини ўтган йилга нисбатан 14 фоиз қисқартиришга эришилди.

Беҳзод НОРБОЕВ,
ЎзА мухбири

ЯНГИ ЙИЛДА ИШГА ТУШАДИ

ТОШКЕНТ (ЎзА мухбири А.Давлатов). Пойтахтимизда фаолият кўрсатаётган «Шайхонтоҳур-текстил» Ўзбекистон-Туркия қўшма корхонаси маҳсулотларига талаб тобора ортиб бормоқда. Бу ишлаб чиқариш кўламини янада кенгайтиришни тақозо этяпти. Шу мақсадда Андижонда унинг шўъба корхонаси барпо этилди. У ерга Япония ва Туркиянинг энг замонавий тикув ҳамда бўяш дастгоҳлари ўрнатилди. Корхона янги йилда ишга туширилади.

«Шайхонтоҳур-текстил»да хомашё — ип-газламаларни бўяш бошқа корхоналарда амалга оширилар эди. Шўъба корхона ишга тушгач, бу ишлар шу ернинг ўзида бажарилиб, ортиқча сарф-харажатга чек қўйилади. Ҳозир қўшма корхонада 500 нафар ишчи меҳнат қилаётган бўлса, шўъба корхонада ҳам ана шунча иш ўрни ташкил этилади.

— Ҳозир қишки кийим-кечак, болалар учун иссиқ трикотаж ва спорт кийимларининг янги моделлари тикилмоқда, — деди қўшма корхонанинг маркетинг бўлими бошлиғи Абдулвоҳид Иброҳимов.

ХАЛҚ БАНКИ — СИЗНИНГ ОИЛАНГИЗ БАНКИ
BANK XALQ BANKI

O'ZBEKISTON HAVO YO'LLARI TOSHKENT XALQARO AEROPORTI

BUSINESS BANK БИЗНЕС БАНК ЭНГ ЯХШИ АНЪАНАЛАРДА

БУНЁДКОРЛИК — БЕДОРЛИК

КЕЙИНГИ ИККИ ЙИЛДА САМАРҚАНД ВИЛОЯТИДА ЮЗ БЕРГАН ИЖОБИЙ ЎЗГАРИШЛАР, БАРПО ЭТИЛГАН МАДАНИЙ, МАЪРИФИЙ, СПОРТ ИНШООТЛАРИ ҲАҚИДА

2001 йил 11 сентябрда Самарқанд вилояти Кенгашининг навбатдан ташқари сессияси бўлиб ўтган эди. Унда иштирок этган мамлакатимиз раҳбари ўз маърузасида сўнгги пайтларда вилоятда мавжуд имкониятлардан оқилона фойдаланиш кенг омма, шаҳар ва туманлар фаолларининг бошини қовуштириб, барчани умумий мақсад сари сафарбар этиш борасида талай камчиликлар борлигини кўрсатиб ўтганди. Мана шу сессияда ташкилий масала кўрилиб, вилоятга янги раҳбар тайинланган эди. Президентимиз маърузалари сўнггида «Сизлар, бутун вилоят халқи мана шу янги раҳбар атрофида бирлашиб, белни маҳкам боғлаб, мавжуд муаммоларни тез орада бартараф этиб, Самарқанднинг обрў-эътиборини янада оширасизлар, деб ишонаман», деган эдилар. Орадан қисқа вақт ўтди. Икки йилдан зиёдроқ давр ичида вилоятда улкан янгиланишлар, яратиш, барча соҳаларда ислоҳотлар суръати юксалиб борди.

Асосий эътибор вилоятнинг энг чекка қишлоқларидаги аҳоли турмуш даражасини яхшилаш, ободонлаштириш, туман марказлари, маҳалла гузарларини гулзорга айлантириш, халқ таълими, тиббиёт, олий таълим тизимларида тўпланиб қолган муаммоларни бартараф этишга асосий эътибор қаратилди. Кадрларни ўз ўрнига қўйиш, ёшларни бунёдкорлик ишларига кенг жалб этиш катта имкониятларни очиб берди. Кўҳна ва ҳамиша навқирон Самарқанд шаҳри жамоли сезиларли даражада чирой очди. Барпо этилган лицей, коллежлар ёшларнинг билим, ҳунар сирларини ўрганишларида, келажак истиқболларини белгилаб олишларида муҳим босқични бошлаб берди.

Қишлоқ аҳолисини тоза ичимлик суви, табиий газ билан таъминлаш ишларида катта натижаларга эришилди. Юздан ортиқ қишлоқлар газ билан таъминланган бўлса, яна шундан зиёдроқ манзилларда сув муаммоси ҳал этилди. 2003 йилнинг «Обод маҳалла йили» деб эълон қилиниши туфайли вилоятда 90 та маҳалла гузари қурилиб, мавжудлари таъмирдан чиқарилди.

Аҳолига малакали тиббий хизмат кўрсатишни яхшилаш мақсадида вилоят миқёсида кўплаб шифохоналар, ўттиздан ортиқ қишлоқ врачлик пунктлари фойдаланишга топширилди. Шаҳар, туман, қишлоқ тиббиёт масканларидаги жиҳозлар, жумладан, тиббий асбоб-ускуналар замон талаблари даражасида ўзгартирилди. Энг сўнгги русумдаги аппаратлар олиб келинди.

Самарқанд шаҳрининг университет хиёбонида яна бир зиё маскани — академик лицей қурилиб фойдаланишга топширилди. Ташландиқ майдон узра барпо этилган «Суғдиёна» боғи болаларнинг энг севимли масканига айланди... Юзлаб мактаблар, болалар боғчаларида спорт заллари, компьютер хоналари ташкил этилди. Одамлар руҳиятидаги яратиш, изланиш, туйғулари рағбатлантирилди.

Энг эътиборли ишлардан бири бу шаҳарда қуриб фойдаланишга топширилган «Ёшлар маркази» бўлди.

Шаҳар марказидаги истироҳат боғи ёнида жойлашган Ҳамза номидаги очиқ ёзги яшил театр биноси йиллар давомида фаолият кўрсатмас, бино таъмирга муҳтож эди. Вилоят ҳокимлиги шу жойда «Ёшлар маркази»ни бунёд этиш таклифини қўллаб-қувватлашди.

Марказ қурилиши ҳомийлигини Каттақўрғон ёғ-мой комбинати ҳиссадорлик жамияти ўз зиммасига олди. Қурилишнинг монтаж ишларини «Меҳнат қурилиш» фирмаси амалга оширди. Бу ерда турли хил маданий тадбирларни ўтказишга мўлжалланган иккита зал, Интернет тармоғига уланган компьютер клуби, ёш ижодкорлар, рассомлар, ҳунарманд ва раққосалар клублари фаолият кўрсата бошлади.

Булар маданий, маърифий, ижтимоий соҳалардаги ўзгаришлар, бундан ташқари вилоятда қишлоқ хўжалиги, саноат, қурилиш, қўшма корхоналар ташкил этиш борасида ҳам қолоқлик иллатлари бартараф этилди. Меҳнат, мавжуд имкониятлардан унумли фойдаланиш ўз самарасини берди. Бу зафарларга энг аввало бунёдкор халқимизнинг машаққатли меҳнати ҳамда вилоят раҳбарининг бевосита ташаббуси, талабчанлиги туфайли эришилди.

Яқинда вилоят сессиясида Юртбошимизнинг «ишончим комилки, вилоятнинг меҳнаткаш, мард ва ориятли халқи Самарқанд заминининг катта салоҳияти ва имкониятларини рўёбга чиқариш, Самарқандннинг шуҳратини янада юксалтириш учун бир тан, бир жон бўлиб, ўзини аямай меҳнат қилади», деган сўзлари самарқандликларни тўлқинлантириб юборди. Вилоят аҳли бугун янги орзулар, умидлар билан 2004 йил — Меҳр ва мурувват йилини кутиб олмоқда.

Фарруҳ ҲАМРОЕВ,
Шуҳрат ҚАРШИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

✧✧✧

Суратда: «Ёшлар маркази» биноси.

«СОЛИ-ТЕКС» БАХМАЛЛАРИ

Учкўприк туманида фаолият кўрсата бошлаган «Соли-текс» масъулияти чекланган жамият уч юз нафар маҳаллий ёшни доимий иш ўринлари билан таъминлади.

Мазкур корхона харидоргир бўлган бахмал матолари тайёрлашга ихтисослашган.

Водийда ягона бўлган мазкур ишлаб чиқариш тармоғи учун керакли хомашёнинг асосий қисмини Фарғона сунъий толалар заводи ва яқинда фойдаланишга топширилган Фурқат туманидаги «Ишонч» ип-йигирув корхонаси етказиб бермоқда. Чехия, Германия, Италия ҳамда Россиядан келтирилган тайёрлов, тўқув ва бўёқ берувчи дастгоҳларда самарқандлик мутахассислар маҳаллий ёшларга янги касб сир-асрорларини ўргатмоқда.

Харидорлар талаб-истаклари асосида иш юритаётган корхона Марғилон ва Андижон шаҳарларида ўз фирма дўконларини ҳам очиб улгурди.

— Ҳозирда покистонликлар билан ҳамкорликда трикотаж маҳсулотлари ишлаб чиқариш ва тикувчилик цехларини қуриш борасида амалий иш олиб боряпмиз, — дейди жамият бош муҳандиси Шуҳрат Қодиров. — Бу эса корхона қошида яна 150 дан ортиқ қўшимча иш ўринлари яратиш, ишлаб чиқариш турлари ва қувватларини ошириш имконини беради.

✧✧✧

Суратда: ўроп цехининг ишчиси Ҳаётхон Жўраева.

Ш.ОЛИМОВ (ЎзА) олган сурат.

Муносабат

ПАХТАКОР ВА ШОЛИКОРНИНГ

ҲАҚИДА АЙРИМ МУЛОҲАЗАЛАР, ТАКЛИФЛАР...

Янгибозор туманидаги «Барҳаёт Матниёз бобо» фермер хўжалиги раҳбари Тўлибой Норматовнинг сарҳисобига кўра, даромад ва самара бобида ҳеч қайси экин тури пахтага тенг келолмайди. Аммо ажабланарли жойи шундаки, фермерлар орасида пахтачиликка кўнгли чопмайдиганлари ҳам анчагина.

Очиғини айтганда, ўтган мавсум Хоразм воҳаси учун пахтачилик йили бўлди, деёлмаймиз. Илк баҳорда бошланган сурункали ёғингарчиликлар ёз чилласида ҳам давом этди. Кунлар салқин келиб, ғўза ривожи жиддий кечикди. Устига-устак ҳашаротлар хуружи, маъданли ўғитлар етишмовчилиги сингари талай муаммолар ҳам кўндаланг чиқди. Бироқ, фермер Тўлибой Норматовнинг фикрича, неки қийинчиликлар рўй бермасин, деҳқоннинг шашти заррача ҳам бўшашмаслиги керак эди. Омад — меҳнат қилган, тер тўккан, интилган, изланган одамники бўлади.

Фермер 2003 йили тасарруфидаги 26,8 гектар ернинг 24,8 гектарида ғўза ўстирди. Далаларини ўта унумдор ёки ҳосилдор деёлмаймиз: бари ярим зич тупроқли майдонлардан иборат. Ҳатто унинг 9 гектари шўрланиб ҳам бўлган. Бундай шароитли пайкаллар ёғингарчилик пайтлари деҳқонга талай ташвиш келтирса-да, Тўлибой аканинг фикрича, дилни умиддан айирмаслик керак. Бундай маҳаллларда ғўза қатор ораларига бот-бот ва босиб-босиб сепиладиган маҳаллий ўғит ва тўхтовсиз ишлов ерга малҳам, экин илдизига тафт беради. Куз ва қиш ойларида етарли миқдорда маҳаллий ўғит тўпланса, оқар ва зах сув йўллари мукаммал ҳозирлаб қўйилса бас. Парвариш билан боғлиқ бошқа жорий ва кундалик саъй-ҳаракатларда ушбу деҳқончилик тадбирининг аҳамияти беқиёс. Хуллас, омад яна иш билганники.

Фермер бошлиқ хўжалик якунланган мавсумда рентабелликни 17 фоизга етказди. Соф фойда 2,5 миллион сўмни ташкил этди. 2004 йил ҳосили учун ёнилғи ва маъданли ўғит сотиб олишга тегишли таъминот корхоналарига олдиндан маблағ тўлаб қўйилган.

Аммо энг муҳими бу ҳам эмас. Айтилганидек, деҳқончиликнинг пахтадан бўлак бошқа бирон-бир тури унга монанд даромад беролмайди. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси томонидан «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида» 2003 йил август ойида қабул қилинган қарорга биноан мазкур экин тури хомашёсини харид қилиш нархлари сезиларли равишда ортди ва шижоатини меҳнатда кўрсатган деҳқон олдинги йилларга нисбатан мўл даромад олиш имконига эга бўлди.

Воҳанинг кўпгина омилкор фермерлари бундай имконни қўлдан чиқаришмади. Тўлибой Норматов далалари гектарига 700 минг сўмдан даромад келтирди. Пахтадан кўра шоличиликни афзал билган кўпгина фермерлар эса бармоқ тишлаб қолишди. Улар олган даромад гектарига 400-500 минг сўмдангина иборат бўлди. Буғдой, боғ, сабзавот, полиз майдонлари ҳам пахта сингари мўл даромад беролмади. Минерал ўғит ва оқар сув таъминоти ер соҳибига кўп ҳолларда ғам-ташвиш келтириши назарда тутилса, бу масала пахтачиликда жиддий қийинчилик туғдирмайди. Сабаби: ғўза — сув ва ўғитни нисбатан кам талаб этувчи экин. Юртимиз замини учун пахтанинг бу каби афзалликларини тасдиқловчи далиллар анчагина.

Энди мулоҳазаларга ўтайлик. Кейинги йиллар иқлими ва об-ҳавоси пахтачилик ривожи учун чиндан ҳам жиддий тўсиққа айланди. Аммо назаримизда айрим «пахтапарвар»лар пашшадан фил ясашаяпти. Азалий ва анъанавий экинимизни камситиш, ёмонотлиққа чиқариш, шу йўл билан унга бўлган эътиборни сусайтириш учун турли баҳоналарни рўкач қилишаяпти. Булар ким дерсиз: аксарияти шартномани бузиб, ғўза ўрнига шоли ўстирганлар. Аввалари ўзбек пахтасининг «қўри»га ўзи эмас, ўзгалар «исинишгани»дан нолир эдик. Минг шукрлар бўлсинки, истиқлол шарофати билан пахтамиз ҳам, унинг «қўри» ҳам энди ўзимизники. Пахтачиликка кенг йўл бериш учун шу имконнинг ўзи кифоя. Кейинги даврда юзага келган иккинчи бир омил — жаҳон бозорида пахтанинг нархи муттасил ортаётганидан кўпчилик воқиф. Яқин-яқинларгача пахта толасининг ҳар тоннаси аранг 900 долларга харид қилинган халқаро Ливерпуль биржасида ҳозир унинг нархи 1800 долларгача кўтарилди.

Деҳқон бундан қандай хулоса чиқармоғи зарур? Шубҳа йўққи, кўпчиликнинг фикри бир жойдан чиқиши аниқ: пахта — ўзбек халқининг миллий бойлиги. У келажакда ҳам мамлакатимиз деҳқончилигининг негизи, байроғи бўлиб, умумиқтисодиётимизда олий ўринни банд этиб қолаверади.

Мамлакатимиз истиқлол йилларида ғалла мустақиллигига эришгани нур устига аъло нур бўлди. 2000 ва 2001 йилларда рўй берган сув танқислиги эса воҳада акс вазиятни юзага келтирди. Гуручнинг нархи осмонга ўрлади. Бу ҳолни кўриб, деҳқонман деганнинг кўнгли шолини қўмсади. Сўнгги икки йил билган ҳам, билмаган ҳам ўзини шоличиликка урди. Хўш натижа нима бўлди? 2003 йил кузига келиб, гуручнинг бозор нархи ҳатто ўз таннархидан ҳам арзонлаб кетди. Ҳозир Хоразм бозорларида гуручнинг сарасини 200 сўмдан харид қилишингиз мумкин. Уни етиштириш харажатлари эса 300-350 сўмдан асло кам эмас. Бундай ҳолда пахтадан юз ўгириб, шолига орқа қилган деҳқоннинг руҳиятини тасаввур этиш қийин эмас.

Шоли аҳоли учун нечоғли зарур ва манзур ноз-неъмат саналмасин, уни етиштириш билан боғлиқ салбий жиҳатлардан кўз юмолмаймиз. Унинг сувсиз яшай олмаслигини ҳаммамиз яхши биламиз. Унга муттасил тараладиган сув ер ости бўйлаб бир неча юз метр масофагача сизиб боради ва йўл-йўлакай ўз ҳаётбахшлигини йўқотиб, захга айланади. Натижада сув йўлида барқ уриб ўсаётган барча экин ва дов-дарахтларга зиён етади. Шоли мўл экилган йилларда биргина Хоразм вилоятида мингларча гектар майдондаги экинлар қуриб, нобуд бўлганини ҳеч ким инкор этолмаса керак. Сизиб келган зах сувлар мевали ва манзарали дов-дарахтлар, тутзорларга ҳалокатли таъсир кўрсатди. Бундай далаларнинг аксарияти Амударё ва Қорақум этакларига ёндош кўл соҳилларида жойлашганди.

ЎзХДП МК МАТБУОТ ХИЗМАТИ ХАБАР ҚИЛАДИ

«МЕҲР ВА МУРУВВАТ ЙИЛИ» ТАДБИРЛАРИДА

фаол иштирок этиш масаласи Ўзбекистон ХДПнинг барча даражадаги ташкилотлари диққат марказида бўлмоқда. Жумладан, **Сирдарё вилоят партия кенгаши**да бўлиб ўтган шаҳар ва туман партия ташкилотлари биринчи котибларининг йиғилишида ҳам мазкур масала муҳокама қилиниб, «Меҳр ва мурувват йили» маҳаллий дастурига киритиш учун ҳокимликлар комиссияларига партия ташкилотларининг тегишли таклифларини бериш, белгиланадиган тадбирларни амалга оширишда қатнашиш режалари хусусида келишиб олинди. Билдирилган фикр-мулоҳазалар асосида партия ташкилотлари учун аниқ тавсиялар ишлаб чиқилди.

Ўзбекистон ХДП Қарши шаҳар кенгаши ва шаҳар хотин-қизлар кенгашининг қўшма пленуми бўлиб ўтди. Пленумда мазкур ташкилотларнинг ўзаро ҳамкорлигини ривожлантириш, «Меҳр ва мурувват йили» тадбирларини биргаликда ўтказиш, нодавлат нотижорат ташкилотлар, жумладан сиёсий партияларнинг аҳоли ўртасида таъсир кучини ошириш, уларнинг фаолиятини фуқароларни ташвишлантираётган муаммоларга йўналтириш масалалари асосий ўрин эгаллади. Бу ҳақда шаҳар партия кенгаши биринчи котиби Р.Муртазоев ҳамда шаҳар хотин-қизлар қўмитасининг раиси М.Зариповалар маъруза қилдилар. Маъруза юзасидан «Хонтепа» маҳалласи фуқаролар йиғини раиси Ф.Маманов, «Газтаъминот» идораси раҳбари И.Файзиев, вилоят электр тармоқлари корхонаси ходимларини бирлаштирган БПТ котиби Х.Хўжамов ҳамда «Нафосат» газетаси бош муҳаррири С.Зоировалар фикр билдириб, ўзаро ҳамкорлик алоқаларини ривожлантириш ҳақидаги таклифни қўллаб-қувватладилар.

Пленумда ХДП Қашқадарё вилоят кенгаши биринчи котиби О.Равшанов, Қарши шаҳар ҳокими И.Асадов иштирок этдилар.

Паркент туман партия кенгаши «Савоб ишни ҳар ким қилиши керак, ҳар куни қилиши керак« шиорига амал қилишга ҳаракат қилмоқда. Яқинда партия ташкилоти туман хотин-қизлар қўмитаси, «Маҳалла», «Экосан» жамғармалари туман бўлимлари билан ҳамкорликда 10 нафар ногирон фуқаро ҳолидан хабар олиб, уларга совға-салом улашди.

ПАРТИЯ ТАШКИЛОТЛАРИДА

Учкўприк туманида Олий Мажлис ҳамда халқ депутатлари вилоят Кенгашига ХДПдан сайланган депутатлар, Фарғона вилоятидаги туман, шаҳар партия ташкилотлари биринчи котиблари иштирокида ўқув-семинар бўлиб ўтди. Йиғилишда туман ҳокими, Олий Мажлис депутати А.Муҳитдинов сўзга чиқиб, туманнинг бугунги кундаги ижтимоий-сиёсий аҳволи, ечимини кутаётган муаммоларга йиғилганлар эътиборини қаратди. Олий Мажлис депутатлари З.Охунова ва М.Анваровалар парламентнинг XIII сессияси якунлари тўғрисида ахборот бериб, иштирокчиларнинг кўплаб саволларига жавоб қайтардилар. Шунингдек, семинарда Ўзбекистон ХДПнинг навбатдаги қурултойи муҳокамасига киритиладиган партия Низоми (янги таҳририда) лойиҳасига киритиш таклиф этилаётган айрим ўзгартиришлар хусусида мулоҳазалар билдирилди. Тадбир якунида партия МК ҳамда вилоят кенгаши томонидан тақдирланган бир гуруҳ фаолларга Фахрий ёрлиқлар ва эсдалик совғалари топширилди.

ХДП Ангрен шаҳар кенгаши, шаҳар маданият бўлими, «Маънавият ва маърифат« маркази ҳамда вилоят касб-ҳунар таълими бошқармаси билан биргаликда, ёшлар иштирокида маданий-маърифий кеча ўтказди. Алишер Навоий номидаги маданият саройида «Шу азиз Ватан — барчамизники!» мавзуида бўлиб ўтган тадбирда Аброр Ҳидоятов номли ёшлар театри жамоаси ҳам иштирок этиб, турли саҳна асарларидан парчалар намойиш этди. Маданий ҳордиқ чиқарган ёшларга тадбир катта таассурот қолдирди.

2003 йил — Обод маҳалла йили

МАҲАЛЛА ТАДҚИҚОТЧИСИ

2001 йилнинг май ойлари эди. Республика Ҳуқуқий маърифат тарғиботи марказига бир ёш аёл кириб келиб, ўзини таништирди: «Мен Гулчеҳра Маликова бўламан, маҳалла бошқаруви бўйича илмий иш қиляпман», деди у. Мен уни тандим, бундан 7-8 йил олдин талаба эди, дарс берганман. Талабалик даврида ҳам тиришқоқлиги билан курсдошларидан ажралиб турарди.

Мени маҳалла йиғини раиси эканлигимни назарда тутиб, илмий ишларига амалиётдан ёрдам беришимни илтимос қилиб келибди. Биз савол-жавобга киришиб кетдик. Мулоқот давомида маълум бўлдики, у изланувчан ходим сифатида маҳаллага оид масалаларни жиддий таҳлил қиларкан. Мен унга тегишли маслаҳатларимни бердим. Мавзу объекти кенг қамровли бўлиши зарурлиги, бунинг учун республика миқёсида амалиётдан мисоллар келтириш кераклигини айтдим. Гулчеҳра менинг фикримга қўшилди.

Бу изланувчан ёш тадқиқотчининг ўз ишига бўлган меҳри, билими, тинмай ишлаши мени ғоят қувонтирарди. У, айниқса, маҳалла тизимига оид қонун моддаларини чуқур таҳлил этарди. Қонун моддаларидаги баҳсли ўринлар тўғрисида ўз қарашларини айтарди. Масалан, маҳалла раисига (оқсоқол)га кўп ваколатлар юкланганлиги, уларни амалга оширишда маълум қийинчиликлар мавжудлиги бор гап эди.

Шунингдек, шаҳар маҳаллаларида ҳам маъмурий комиссия тузилиши кераклиги, маҳалла раиси (оқсоқол) маъмурий жазо чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўлиши муҳим муаммолар жумласига кирарди. Яна бир муаммо: маҳаллани иқтисодий қарамликдан чиқариш керак. Бунинг учун бюджетдан оладиган маблағдан воз кечиш керак. Маҳаллалар кичик корхоналар очиши кераклиги ва барча давлат идора органлари бошқа жамоат ташкилотлари билан мустақил шартномага киришиш муҳим ўрин тутарди. Гулчеҳра коммунал тўловлар ҳақидаги кўрсатма айрим ташкилот раҳбарларининг лоқайдлиги туфайли ижро этилмаётганлигини куюниб гапирди. Ушбу кўрсатмага биноан 100% тўлов ундирилганда 10% маблағ маҳалла ҳисобига келиб тушишини айтиб ўтди, лекин амалиётда бажарилмаяпти, раҳбарлар бундай кайфиятда бўлсалар умуман бажарилмайди.

Мулоқотлар давомида Гулчеҳра мени саволларга кўмиб ташларди. Қонуннинг 5-моддасида маҳаллаларни ажратиш, қўшиб юбориш ва тугатиш ҳокимиятнинг зиммасига юклатилган, нима учун? Фуқаролар бошқарувининг юқори органлари бор-ку, нима учун маҳалла фуқаролар йиғини бир қарорга келса, ўзининг юқори органи эмас, балки ҳокимга мурожаат қилиши керак? Берилган саволга ўзи жавоб бериб, ер давлатники маҳалла ҳудудини чегарасини ҳокимият белгилайди, лекин маҳаллани қўшиб юбориш, ажратиш ва ташкил қилиш, тугатиш фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органининг иши бўлиши керак, қонуннинг шу моддасига ўзгартириш киритиш керак — ўзича хулоса қилди. Бундай ҳолатлар бизнинг мулоқотда жуда кўп.

2003 йил май ойи эди. Гулчеҳра Маликова Ўзбекистонга Япониядан меҳмонлар келган, улар маҳаллалар билан қизиқмоқда, деб қолди. Сизнинг маҳаллангизга олиб борсам, ҳар ҳолда маҳаллангиз намунали, деди.

Мен рози бўлдим. Япониядан профессор Ичихаши бошчилигида меҳмонлар келишди. Суҳбат 3,5 соат давом этди. Улар томонидан тайёр ёзиб олинган 60 та савол, яъни маҳалла бошқаруви, маҳалладаги муаммолар, раис ва фуқароларнинг маҳалладаги ўрни, улар ўртасидаги ҳуқуқий муносабатлар ва ҳ.к. Бу саволларнинг айримларига ўйлаб жавоб бериш керак эди. Мен қандай жавоб берсам экан, деб ўйлаб турсам Гулчеҳранинг ўзи жавобга киришиб кетди. Жавоблари ишончли ва тўғри эди. Меҳмонлар жавоблардан тўла қаноат ҳосил қилдилар.

Шу йил сентябрь ойида Тошкент давлат юридик институтида япониялик ва америкалик олимлар иштирокида юридик институт ва Ҳуқуқий маърифат тарғиботи маркази билан ҳамкорликда Тошкент шаҳар фуқароларни ўзини ўзи бошқариш органларининг раҳбарлари — маҳалла раиси (оқсоқол), хотин-қизлар билан ишлаш комиссия раислари, педагог тарбиячилар, посбонлар сардори ва маҳалла котибларини ўқитишга қарор қилди. Ўқиш дастури тузилди ва босқичма-босқич ўқиш бошлаб юборилди. Бу савобли ишнинг ташкилотчиларидан бири Гулчеҳра Маликова бўлди. Ўқиш бир йил давом этади. Ҳозирги кунда маҳалла раислари (оқсоқоллари), посбонлар сардорлари ўқитилиб, улар қўлларига сертификатлар бериляпти. Машғулотлар давом этмоқда.

Демак, ёш тадқиқотчи ҳаёт билан бирга қадам ташламоқда, унинг илмий ишлари амалиётда ўз исботини топмоқда. Зеро, маҳаллаларимизнинг теран томирлари ана шундай жонкуяр, билимдон инсонлар меҳнати билан рўёбга чиқади, баркамолликка эришади.

Марат ҒУЛОМОВ
Тошкент шаҳар Акмал Икромов туманидаги Аброр Хидоятов номли маҳалла йиғини раиси, юридик фанлари номзоди, доцент

ДАРОМАДИ

Аммо, хунук жойи шу бўлдики, бутун мамлакатга энг сара, ғоят тўйимли ва сифатли гуручи билан танилган Гурлан ва Хонқа туманларидаги айрим хўжаликлар бир ёқда қолиб, шоличиликнинг янги-янги «ўчоқ»лари юзага келди. «Миришкор»лар ишни «қойиллатишди»: шолидан баланд хирмонлар ясашиб, сон-саноқсиз боғлар, тутзорлар, экинзорларни унинг пойига «қурбонлик» қилишди... Демоқчимизки, ҳар бир экин ўз даласида ўссин. Шоли қадимқадимдан дарё соҳилларида етиштирилиб келинган.

Пахтачилик ривожи унга бўлган талаб ва эҳтиёж билан ҳам узвий боғланган. Шўролар маҳалида ушбу масала мамлакат пахтачилигини доимо ўз исканжасида ушлаб келди. Деҳқонга етиштирган ҳосили учун номигагина иш ҳақи тўланди, холос.

Ўзбекистон ҳукумати ўз пахтасини ўзи сотиш учун бирон-бир ваколатга эга эмасди. Назаримда, республикада пахтага нисбатан лоқайдлик, беписандлик кайфиятлари ўша кезлари шу алфозда юзага келди. «Пахта яккаҳокимлиги» овоза бўлди...

Шукрлар бўлсинки, узоқ йиллар Ўзбекистон пахтачилигига тушов бўлиб келган жиддий тўсиқ-қийинчиликлар энди йўқ. Демак, ҳадик ва иккиланишларга ҳам ўрин йўқ. Ўзбек пахтасининг шуҳратини баланд кўтариш учун барча имкониятларни ишга солиш фурсати етди, манфаатдорлик ҳисси деҳқонни ҳам, буюртмачи ва тола чиқарувчиларни ҳам пахтачиликка бўлган муносабатларини тубдан ўзгартиришга даъват этмоқда. Манфаатдорлик калити пахтада эканлигига ҳамманинг имони комил.

Хўш, пахтачиликка рўйхуш бермаганларнинг ҳоли не кечди? Таъкидлаш жоиз, бу соҳада омади чопмай қолганларнинг кўпчилиги айбни яна обҳавога тўнкашди. Илғорлар эса топганини яхши орзу-ҳаваслар йўлига харжлашди, соҳани ривожлантириш, фаолиятни жонлантириш тадбирларини белгилашди. Қолоқлар ва омадсизлар билан бир хил иқлим ва об-ҳаво шароитида деҳқончилик қилишига қарамай биргина Хоразм вилоятида юзлаб фермер ва ширкат хўжаликлари йилни мўмай соф фойда билан якунлашди. Шовот туманидаги «Хоразм» ширкат хўжалиги, Гурлан туманидаги «Ҳайтиммат ота», Янгибозор туманидаги «Самандар — Наримон», «Барҳаёт Матниёз бобо», Урганч туманидаги «Она замин», Янгиариқ туманидаги «Уста Тилла» фермер хўжаликларининг пахтачилик соҳасидаги кўрсаткичлари айниқса, юқори бўлди.

Бироқ, бу ўз-ўзидан рўёбга чиқмаслиги кундай равшан. Воҳадаги кўпгина далаларнинг ҳолати азалий илғор деҳқончилик маданиятини қайта тиклашни талаб этаяпти. Бунга эса ҳосил таннархини арзонлатиш, харид нархларини эса муттасил ошира бориш, маъданли ўғитлар, зараркунандаларга қарши кимёвий воситалар таъминотини яхшилаш, баҳолар «пойга»сини тизгинлаш, заминнинг унумдорлик хусусияти ва бонитетини инобатга олган ҳолда нав ва уруғ танлаш, мироблик тармоқлари ва иншоотларини намунали ишлатиш, шўрланиш ва захланишларга қарши самарали чора-тадбирларни ишга солиш асносида эришилади.



Муддаога ғўза майдонлари сатҳини кенгайтириш ҳисобига эмас, балки ер унумдорлиги ва ҳосилдорлигини ошириш, деҳқончилик маданиятини такомиллаштириш эвазига эришилишини омилкор деҳқон, мутахассис ва ишбоши яхши билади.

Демак, гап — омилкорликда . Хомашё шаклидаги пахта деҳқонга битта даромад берса, тайёр маҳсулотга айланғач, қиймати ўнга етади. Шундай экан, пахта етиштириш микёсларини оширишнинг ўзи бизга кифоя эмас. Етиштирилган ҳосил мамлакатимизнинг ўзида тайёр маҳсулотга айланмас экан, муддао ҳосил бўлмайди. Мамлакатимиз истиқлол айёмига қадам қўйган йиллари миллий саноатимиз ялпи пахта толасининг атиги 3-5 фоизинигина тайёр маҳсулотга айлантириш қувватларига эга эди. У кезлари Хоразм воҳасида эса бундай корхоналар йўқ ҳисоби эди. Ҳозир эса биргина вилоятнинг ўзида 10 га яқин замонавий саноат корхонаси қад ростлади. Хомашёни тайёр маҳсулотга айлантириш кўрсаткичи 15 фоизга етди. Бу борадаги ишлар давом этмоқда.

Яна бир гап: «пахта яккаҳокимлиги» атрофидаги мана шундай баҳс-тортишув ва юқорида таъкидланган важкорсонлар боис, вилоят сўнгги кезларда ўз мавқеини бир қадар бой бериб қўйгандек... Фикримизча, бу ҳолатдан ҳам нолимаслик керак. Чунки, вазият ҳам сабабчи, албатта: об-ҳаво, иқлим шароитлари, бозор муносабатлари тамойилларини вақтида тўғри ва теран англай олмаслик қусурлари вазиятга барибир таъсир ўтказмай қолмайди... Истиқлолнинг иккинчи ўн йиллиги — бу каби камчилик ва нуқсонларни ҳамда лоқайдлик муносабатларини барҳам топтириш мавриди. Пахтачиликда манфаатдорлик, мўмай фойда ва омад айёми бошланганлигини омилкор деҳқон назардан қочирмаса, бас.

Умуман, пахтанинг мамлакат иқтисодиётида тутган ўрни ҳақида чуқурроқ ўйлашимиз керакка ўхшайди. Пахтачилик соҳаси иш ўринлари, маҳсулотларини бир ҳисоблаб кўрайлик...

Абдулла СОБИРОВ,
журналист

Иқтисод ва ислоҳот

ФЕРМЕР МИЛЛИОНЕРГИНА ЭМАС, МИЛЛИАРДЕР ҲАМ БЎЛАДИ

— ДЕЙДИ ТОШКЕНТ ТУМАНИДАГИ «ИЗЗАТ» ФЕРМЕР ХЎЖАЛИГИ РАҲБАРИ ҲАМИДУЛЛА ЗУФАРОВ

Меҳнат — эҳтиёж, бурч ва шараф... Ҳамидулланинг хаёлида ана шундай ўйлар... Лекин у ўз меҳнати билан юрт ривожига қандай ҳисса қўшиши мумкин? Тадбиркорлик, ишбилармонлик ҳамманинг ҳам қўлидан келавермайди. Соҳанинг ўзига яраша ташвишу муаммолари бор...

Ҳамидулла аввалига шундай иккиланди ҳам... Кейин «кўз кўрқоқ, қўл ботир», дея ишга киришди. 1994 йил Тошкент туманидаги Алишер Навоий номли ширкат хўжалиги ҳудудида бурцеллез касаллигига чалинган қорамоллар парваришланадиган изолятор ўрнида 5 бош қорамол билан иш бошлади. Хўжалиги «Иззат» фермери номини олди. Моллар сони кўпайди. Бўрдоқи боқиб, гўшт-сут етиштиришга ихтисослашди...

Хўжаликнинг ойлик, йиллик ҳисоботларини кўздан кечирамиз: ҳозир бу ерда 96 бош қорамол зооветеринария қоидалари асосида боқилмоқда. Мавжуд қорамолларнинг 30 боши соғин сигирлар. Ҳар биридан кунига ўртача 12 литрдан, 30 бош сигирдан эса ҳар ойига 10 тонна-ю 800 литрдан зиёд сут соғиб олинмоқда. Жорий йилнинг сентябрь ойигача хўжаликда 1 литр сутнинг баҳоси 200 сўмни ташкил қилиб, ундан ҳар ойда 2 миллион сўмдан зиёд даромад кўрилган бўлса, сутни қайта ишлаш цехи ишга туширилгач, 1 литр сутнинг таннархи 400 сўмни ташкил қилаётир. Демак, биргина сутнинг ўзидан ойига 4 миллион сўмдан зиёд даромад кўрилмоқда.

Хўжаликда 100 бош чўчқа, 200 дан зиёд парранда ҳам парваришланмоқда. Бу ҳам даромад. Бириктирилган ер майдони (чорвачилик фермаси билан қўшиб ҳисоблаганда) 5 гектар. Ғалладан бўшаган 1 гектар ерга жорий йилда такрорий экин сифатида картошка экилиб, 52 тонна ҳосил олинди. Агар, шаҳримиз бозорларида шу кеча-кундузда 1 килограмм картошканинг ўртача баҳоси 200 сўм эканлигини назарда тутсак, бу мўъжазгина фермер хўжалиги учун қўшимча 10 миллион сўмдан зиёд даромад дегани. Қисқаси, кичик бир жамоа жорий йил охиригача 60 миллион сўмдан зиёд даромад олишни мўлжаллаб турибди. Шундан 30 миллион сўми соф фойдани ташкил этади.

— Чорва моллари учун ўтган йили қанча хашак жамғарилди? — сўраймиз Ҳамидулладан.

— Ўн минг тонна.

— Жорий йилда-чи?

— Йигирма минг тонна.

— Шунча хашакни тўплашга неча гектар майдоннинг ўт-ўлани ўрилади?

— Бу рақам ҳисоботга кирмайди, негаки, ўт-ўланларни ажратилган алоҳида майдонлардангина эмас, уни экинзорлар, кўча ва эгатлар ҳамда уватлар атрофидан ҳам йигиштирамиз.

Хўжаликдаги саранжом-саришталик, тартиб-интизом, ишчиларга муносабат — ҳаммаси ибратга лойиқ. Голландия ёки Исроилда бўлганидек, тирик вазни 600 килограмм ва ундан юқори бўлган қорамолларни табақалаб, рацион асосида боқиш қатъий йўлга қўйилган. Молхона ва озуқа цехлари зарур жиҳозлар, замонавий асбоб-ускуна ва техника воситалари билан тўла таъминланган. Дўконларда «Иззат» тамғаси туширилган қадоқланган сут, қаймоқ, творог, кефир сингари маҳсулотларнинг бозори чаққон.

— Фермерларнинг эртанги куни ойдин, — дейди яна Ҳамидулла ака суҳбатимиз асносида. — Аммо, кўпгина фермер хўжаликлари раҳбарлари ҳалиҳануз янгича фикрлашга кўниколмаяпти. Иш услубларини бозор иқтисодиёти шароитига ўзгартиролмай чорвачилик йўналишида ташкил қилинган фермер хўжаликларини бошқа йўналишларга буриб (кўпинча деҳқончиликка ўтиб) кетишяпти. Бир пайтлар, ширкат хўжаликлари тасарруфида бўлган ҳайҳотдек қорамолчилик фермалари арзон-гаровга сотилган ҳоллар бўлаяпти. Кейин эса мол бошини кўпайтириш ўрнига кимларнингдир айби билан талон-торож қилинаётган «манзара»ларга дуч келаяпмиз. Назаримда, бундай фермалар вақтида ўз эгаси қўлига берилмаган. Улар «фермани фалон бош қорамоли билан сотиб олдим, бўлди, энди даромад ўзидан-ўзи келаверади», деб ўйлашган. Афсуски, даромад ўзидан-ўзи келмайди...

Чорвани, чорва қилиш учун камида ўн йил вақт керак. Мана, бир мисол: агар биз чорвачиликдан 3 миллион сўм даромад қиладиган бўлсак, унинг 1 миллион 500 минг сўмини ем-хашак ва бошқа ашёлар сотиб олишга сарфлаймиз. Мол тирик жон: уни яхшилаб парвариш қилмасангиз, яхши натижага эришолмайсиз.

— Демак, ҳамма ҳам фермер бўлиб кетолмайди, демоқчисиз-да..?

— Ҳа-да. Бу жуда масъулиятли иш. Яхши деҳқон ҳам бўлиш мумкин, балки яхши агроном ҳам. Бироқ, яхши чорва фермери бўлиш учун: ҳам тадбиркор, ҳам ҳуқуқшунос, керак бўлса пухта ҳисобчи-иқтисодчи ҳам бўлиш керак. Ўшанда, у ўз ҳақ-ҳуқуқини ҳимоя қила олади. Ҳозир-чи? Кўплаб фермер хўжаликлари ҳамон давлатдан иноъом кутиб яшамоқда. Энг ачинарлиси, ҳали-ҳануз ўз ҳуқуқларини яхши билмайди, ўз манфаатларини ҳуқуқий асосда ҳимоя қилолмайди...

Ҳамидулла Зуфаровнинг ушбу сўзларини қоғозга тушираётиб, кўнглимга келган фикр шу бўлдики, инсон табиат қўйнида яшаркан, ундаги бойлик — ер, сув халқ манфаати учун хизмат қилади. Демак, одамзот табиат эҳсонлари билан тиллашиб яшаши керак. «Олмоқнинг бермоғи бор» деганларидек, у фермерми ё деҳқон — олдин қарамоғидаги чорвага ёки ерга нимадир бериши ҳам керак. Шунда у берганини даромад қилиб олади. Миллионергина эмас, миллиардер ҳам бўлади. Бу эса фақат меҳнат туфайли келади.

«Иззат» фермер хўжалигининг ютуқлари сири шунда.

Соҳибжон САЛИМОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Маҳсулот — ўзимизники, Ўзбекистонники!

ИМПОРТ ЎРНИНИ БОСАДИ

Иқтисодий ислоҳотларни янада чуқурлаштириш дастури ижроси йўлида «Ёғмойтамакисаноат» уюшмаси жамоалари мамлакатимиз ёғмой корхоналарини юқори сифатли полиэтилен идишлар билан таъминлаш ва уларга ўсимлик ёғи қуйишни янада кўпайтиришга бел боғлашган. Шу мақсадда уюшма таркибида пойтахтимизда «Pet Plast Oil» Ўзбекистон — Америка қўшма корхонаси ташкил этилди. Мазкур корхона келгусида йилига 45 миллион дона ПЭТ қолипчаларни ишлаб чиқариш қувватига эга бўлади. Яна бир жиҳати — бу маҳсулотлар импорт ўрнини босадиган товарлар бўлиши кутилмоқда. Бунинг учун ҳозир бу ерга Италия компанияси асбоб-ускуналари ўрнатилмоқда.

Хўш, нега айнан Италия компанияси технологияси сотиб олинди?

Тўлқин ТОШЕВ, қўшма корхона бош директори:

— Тўғри, Россия, Польша, Хитой ва бошқа давлатларда ҳам кўплаб ускуналар ишлаб чиқарилмоқда. Бироқ, Италиядан келтирилган асбоб-ускуналар нархи бироз қиммат бўлса-да, уларда ишлаб чиқарилаётган маҳсулот сифати юқори ва жаҳон стандартларига мос келиши амалиётда синалган. Шу боис ҳозирданоқ маҳсулотларимиз наинки мамлакатимизда, балки қўшни давлатлар ҳам харидоргир бўлиб қолди. Қозоғистон, Қирғизистон ва бошқа давлатларнинг кўпгина корхоналаридан буюртмалар олаяпмиз.

Давлат КАРИМОВ, Беруний «Ёғғар» очиқ акциядорлик жамияти директори:

— Биз кўпдан бери ўсимлик ёғини ПЭТ идишларга қуямиз. Илгарилари қолипчаларни турли фирма ва компаниялардан сотиб олардик. Баъзан улар сифатсиз бўлиб, маҳсулотимиз ҳам бракка чиқар ва вақт ҳамда сарфланган ишчи кучидан ютқазардик. Қанча-қанча харидорларимиз норози бўлишарди. Энди эса «Pet Plast Oil» қўшма корхонаси қолипчаларини сотиб олаяпмиз. Сифати яхши, халқаро талабларга мос. Ўзаро тузган шартномамизга кўра бундан буён ҳам шу корхона истеъмолчиси бўлиб қоламиз...

«Pet Plast Oil» шу кунларда ишлаб чиқариш қувватларини янада ошириб, янги-янги асбоб-ускуналар сотиб олмоқда. Яқин келажакда бу ерда 5 литрли ПЭТ идишлари қолипчалари ҳам тайёрланади.

Шоҳайдар МИРҲАБИБОВ,
Мирбахтиёр МИРФАЙЗИЕВ,
«Ўзбекистон овози» мухбирлари

Табиат ва биз

ЖОНИВОРЛАРНИ АСРАНГ, ОДАМЛАР!

Қишнинг ҳам сурури, афзаллиги, гўзаллиги бор. Ҳаммаёқ оқликка, фаришталардек пок-покизаликка бурканади. Одамлар ҳам югур-югурлардан тийилиб, ором фаслига етганларига шукроналар қиладилар. Фақат ёввойи жониворлар!.. Ҳа, улар учун энг ташвишли, ғоят қора кунлар мана шу қишнинг оқликка бурканган пайтида бошланади.

Дарахтлар либос ташлаб яланғочланиб қолди. Шохшаббалар, хилватлардаги ўнгирлар, пана-пастқам жойлар, мана мен деб турибди. Қимирлаган жон шундоққина кўзга ташланади. Устига-устак бешафқат табиат кушандаларининг қўлларида ажал қуролларидан ташқари олисларни шундоққина кўз олдига келтириб кўювчи дурбинлар бор. Табиат ҳимоячилари-чи?..

Ҳаммадан ҳам уларга қийин: ёвуз браконерлар билан юзма-юз келишади, жониворларга қирғин келтираётган жиноятчилар қўлга тушмаслик учун ҳеч нарсадан тап тортмайдилар. Ҳатто ўқ узишлари ҳам мумкин. Шундай вазият пайтида содир бўлган қанчадан-қанча фожиалар маълум. Қолаверса, юртчилик, қариндош-уруғчилик деган гаплар бор. Ундан ҳам ёмони — браконерни қўллаб-қувватлаб турувчи, юқори лавозимли буюртмачи амалдорлар бор. Бу каби томонларни эътиборга олганда табиат ҳимоячилари сафига ўта муросасиз, атрофимиздаги гўзалликларни ўз фарзандларидек севиб-ардоқловчи мард қўриқчилар танлаб олинмоғи лозим.

Бир воқеа ҳамон кўпчиликнинг ёдидан кўтарилмайди. Ғарбий Тянь-Шан тоғлари бағрида ёввойи ҳайвонлар аёвсиз қирғин қилинган совет даврининг сўнгги йиллари. Ҳар хил қўлланмалар, матбуот ва телевидениеларда табиат олами, хусусан ёввойи ҳайвонлар қаттиқ ҳимояда эканлиги ҳақида қайта-қайта жар солинар, амалда эса бунинг акси ҳукмрон эди. Тепада турганларнинг, ҳаттоки табиат оламини бевосита ҳимоя қилувчи қўмиталарнинг масъул ходимлари буюртмалари асосида табиат кушандалари тоғ-тошларда изғиб юришиб, ҳатто Қизил китобга киритилган ноёб ҳайвонларни ҳам овлашарди. Улар ҳеч бир рухсатномасиз ҳар куни ўнлаб кийиклар, ёввойи тўнғизлар, силовсинлар, айиқлар ва бошқа ҳайвонларни қириб ташлар эдилар. Бу каби буюртмаларга ҳам қаноат қилмайдиган айрим очкўз лавозимга очофатлар эса ҳавас учун ўзлари ҳам тоғларга борар, броконерлар билан ёнма-ён туриб ов қилардилар. Табиат ҳимоячилари шундай вазиятда қандай йўл тутишлари лозим?..



Ортиғали аканинг атроф-муҳит ҳимояси йўлидаги узоқ йиллик фаолияти бу саволга айнан жавоб бера олади. Ортиғали Тўлаганов Тошкент музофотининг тоғлар орасидаги Бурчимулла қишлоғида таваллуд топган. Ёшлигидан табиат ва унинг бойликларига меҳр қўйди, паррандалар даррандаларни аяб, ҳимоялаб ўсди. У болалик чоғларидаёқ сайроқи қушларнинг офати бўлмиш тузоқ, сопқон(рогатка)ларни кўрган жойида йўқ қилган бўлса, ўсиб-улғайгач ўқотар қуроллар-га қарши курашга отланди. Шу мақсад йўлида у Бурчимулла ўрмон хўжалигида нозирлик вазифасида иш бошлади. Бу йигит табиатан пишиқ, чаққон, ҳушёр, айниқса довюрак эди. Ҳеч қачон ўзини кўркўрона ўққа тутиб бермас, аммо табиат кушандасининг изига тушдими, уни сираям қўлдан чиқариб юбормас эди.

Чотқол тоғлари тепасидаги Оқбулоқ водийсини макон тутган нозир номини эшитган табиат кушандалари даҳшатга тушар, шу тарафларга қадам босишга журъат эта олмасдилар. Чунки Ортиғали ака ҳар қандай буюртмачи амалдорлардан ҳам чўчимас, маккор жиноятчиларнинг таъзирини бериб қўйишга қодир эди...

Республика Табиатни муҳофаза қилиш Давлат қўмитасининг масъул бир ходими машина юкхонасини бир неча кийик гўштига тўлдириб қайтиб келаётганида Ортиғали ака пистирмасига дуч келади. Бутун умрини шу соҳага бағишлаган нозир анойи эмас, табиат муҳофазасига оид қонун-қоидаларни сув қилиб ичиб юборган, ўзбек, тожик, рус тилларини баб-баравар мукаммал билади. Энг зўр томони — унинг бирон-бир кимсадан тилқисиқлик жойи йўқ. Ҳалиги амалдор қанчалар дўқ-пўписа урмасин Ортиғали акани синдира олмади. Уни лавозимидан кетказмагунча доюрак назоратчи сира ҳам чекинмади. Шунчалар кескин, ҳар қандай оғир вазиятда ҳам олдинга босаверадиган таваккалчи бу инсон нафақа ёшидан кейин ҳам анча йиллар омонэсон табиатни, унинг бойликларини муҳофаза қилиб келди. Етмишвойдан саксонбойга кетаётган табиат фидойиси номи ҳозир маош олинадиган рўйхатларда йўқ. Аммо тоғлар фарзанди осмонўпар чўққилар қуршовидаги Палтав деган қишлоқчада умргузаронлик қилиб, жамоатчи нозир сифатида «жигаргўша»ларини ҳимоя қилиб юрибди. Ортиғали ака ёввойи жониворларни «жигаргўшаларим» дея авайлаб, уларни мудом кўпайтириш пайида юради...

Ватанимиз Мустақил бўлгач, бу тарафларда Ортиғали Тўлагановнинг шогирдлари табиат муҳофазаси, хусусан, ёввойи ҳайвонларни асраб-авайлаш йўлида бирмунча ижобий силжишларга эришдилар. Аввалари қор қоплони (илвирс), оқ тирноқли айиқ, суғур, кийик, ёввойи эчки, силовсин. ёввойи қўй, сувсар, жайра каби камёблар у ёқда турсин, ҳар қадамда учровчи тулки, қуён, бўрсиқ, ёввойи тўнғиз сингари ҳайвонлар кескин суратда камайиб кетган эди. Энди улар ора-чора бўлса-да, кўзга ташланиб қолмоқда. Бу ҳол. барибир, кўнглимизни тўлдира олмайди.

Қушлар оламидаги аҳвол ҳам яхши эмас. Овланадиган ва майда сайроқи қушларнинг турлари ҳам, сони ҳам жуда тезлик билан озаймоқда. Айниқса, афғон майнаси, олақанот, олақуш каби номлар билан аталувчи балохўр пайдо бўлгандан сўнг майда сайроқи қушчалар учун чинакам офат бошланди. Олақуш (балоқуш деб аталса тўғрироқ бўлар) мевазорларни вайрон этаётгани етмагандек, сайроқи қушчаларнинг тухум полопонларини вахшиёна тарзда еб қуритмоқда. Ҳатто инларида тухум босиб ётган макиёнларни ҳам тапа босиб тушираверади. Бу очофатларни тартибга солиш ҳақида махсус кўрсатма берилгани табиат кўркини, бойликларини тиклаш йўлида айни муддао бўлди.

Ёввойи жониворлар таназзулини ҳам тўхтатишнинг аниқ ва кескин чоралари бормикин? Бу саволга Ўзбекистон, Қозоғистон, Қирғизистон давлатларининг фидойи табиат жонкуярлари томонидан тузиб чиқилган ТАСИС лойиҳасининг сермазмун кўрсатмалари ижобий жавоб бера олади. Лойиҳа мазмунига кўра, Ўзбекистондаги Чотқол, Қозоғистондаги Оқсув-Жобоқли, Қирғизистондаги Бешорол ва Саричелак қўриқхоналари ҳудудларида яхлит бир миллий боғ ташкил этилиши режалаштирилмоқда. Бундан мақсад Ғарбий Тянь-Шан ҳудудида ҳар томонлама мукаммал бўлган биомуҳитни сақлаш, учала давлатда ҳам табиат муҳофазасини баравар йўлга қўйиш, биохилма-хилликни асраш ва юксак даражага кўтариш керак. Ахир бир давлат ҳудудидан кочган жонивор ёки учган қуш қўшни давлатда ўққа йўлиқса бирор ижобий натижага эришиб бўлмайди-ку!

Энг муҳими, ҳар қандай ҳаракат, лойиҳа ва қонунларнинг амалга оширув йўлида кенг аҳоли оммасини фаол қатнаштириш лозим. Атроф-муҳит муҳофазаси масаласида ёшу кексалар баравар иштирок этган тақдирдагина олижаноб мақсадларга тез ва соз эришиш мумкин. Ахир Аллоҳ яратиб қўйган табиий бойликлар, ажойиб неъматлар сувларимизда, тоғу тошларимизда тўлиб-тошиб турса қандай яхши! Улардан бир ҳовуч табиат кушандалари эмас, барчамиз баравар манфаатдор бўлишимиз ҳар биримизнинг табиат муҳофазасига муносиб ҳисса қўшмоғимизга боғлиқ. Республикамизнинг жамики ҳудудларида, Ортиғали ака Тўлаганов сингари фидойилар сафи кенгайиб бораверса, нур устига аъло нур бўларди.

Асад АСИЛ,
ёзувчи

Ислоҳот ва масъулият

ҚЎЛЛАРИ ДОИМ МЕҲНАТДА

БЎЛГАНИ БОИС КОГОНЛИКЛАР БУГУН ИСЛОҲОТЛАР САМАРАСИНИ БОР БЎЙ-БАСТИ БИЛАН ТЎЛА НАМОЁН ЭТМОҚДАЛАР

Бир пайтлар, аниқроғи, шўролар даврида кўпчилик Когон туманини Бухоро вилоятининг «Астрабод»и деб киноямуз таърифлашарди. Сабаби шу эдики, вилоят «каттаси»га ёқмаган кадрлар муаммолари «болалаб» кетган бу ерга бамисоли «сургун» қилинар ва бу ернинг «тарбия мактаби»дан ўтсагина боши силанарди. Бўлмаса, акси... Шу боис, туманда келиб-кетганларнинг саноғи бўлмас, аҳвол эса ўнгланмас, пахта ва бошқа қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етиштириш режалари бажарилмай, туман иқтисоди баттар ночор ҳолатга тушиб қолаверарди. Кўпинча ҳамма айб оддий деҳқон гарданига юкланар, қишлоқ аҳоли ўчоғида ҳали ҳамишагидек тезак тутар, турмуш тарзи янаям мушкул тус олар ва ҳоказо.

Хайриятки, пешонасида Истиқлолни кўриш бахти бор экан, ҳаммаси ортда қолди. Ернинг ҳақиқий хўжайини топилиб, қишлоқда мулкдорлар пайдо бўла бошлади, унутилган қадриятлар тикланиб, ишлайдиган, яшайдиган замон келди. Туман вилоятда ўз ўрни ва нуфузига эга бўлди.

ОСОН ИШДА ОБРЎ ЙЎҚ

Раҳмон ака яқин ўтмишдан хабардор, унинг барча азиятларини вужудидан ўтказган инсонлардан бири. Қишлоқда ўсгани боис, турмушдаги ҳамма паст-баландликларга, икир-чикирларига ақли етади. Мана, 14 йилдирки, раҳбарликнинг нонини ҳалоллаб емоқда. Аммо бу унга осонгина келгани йўқ...

— Ўтиш даври ҳамма ерда ва ҳамма вақт қийин кечган, — дейди Баҳоуддин Нақшбанд номли ширкат хўжалиги раиси Раҳмон Ашуров. — Бунда асосий юкни ҳукумат ўз зиммасига олган. Шу сабабки, мамлакатимизда иқтисодий жиҳатдан ночор ҳолга тушиб қолган хўжаликларни санациялаш сиёсати қўлланилди. Бунда бизнинг хўжаликка ҳам маълум давр мудлион сўм соф даромад дегани. Бултур эса хўжалик ҳамма соҳада 400 миллион сўм фойда олганди, холос. Пахта тайёрлаш режаси 130 фоизга бажарилди.

— Осон ишда обрў йўқ, — сўзида давом этди раис, — хўжаликда катта-кичик етакчилар кўп бўлади. Агар улар кўнглини очиб, сидқидилдан ишласа ва олинган даромадни меҳнат аҳли билан одилона баҳам кўрса шубҳасиз, унга бошқалар ҳам эргашади. Манфаатдорликда гап куп-да... Биз ҳар йили олинган даромад ҳисобига албатта нимадир қураяпмиз, аҳоли фаровонлиги йўлида қулайликлар, афзалликлар яратаяпмиз. Етти ярим минг жоннинг яхши яшаши учун масъулмиз, ахир. Ҳозир «Намуна» қишлоғида янги мактаб барпо этаяпмиз. Эрта-индин ишга тушади. Ҳамма хонадонлар газлашди. 7,12-бригадаларда деҳқонлар учун оромгоҳлар тикладик. Машина-трактор паркида ҳаммом бунёд этдик. Шинамгина клуб ва спорт ўйингоҳимиз бор. Насиб этса, ҳосил байрамида мавсум илғорларига 30 та рангли телевизор бермоқчимиз. Хуллас, астойдил ишлаганлар қадр топаяпти...

— Энг асосийси, — дейди туман ҳокими Карим Ҳайитов, — деҳқонга эркинлик берилди, унинг ишига ўринсиз аралашувларга ҳозирча қисман бўлсада, чек қўйилди. Бу ҳолни бутунлай бартараф этиш чора-тадбирларини кўраяпмиз. Бунинг устига ерларнинг мелиоратив ҳолати тубдан яхшиланди. Экинларни пайкалларга мослаб жойлаштиришга жиддий эътибор бераяпмиз. «Метробод» ва «Бирешим» каналларини янгидан бунёд этдик. Бунинг эвазига «Мустақиллик», Зиё Қобилов номли, «Меҳнатобод» ширкат хўжаликларида сув таъминоти муаммоси тўла ҳал бўлди. Қишлоқ хўжалигига хизмат қилувчи янги техникалар сотиб олдик. Йил давомида хўжаликлар 9 та янги «Алтай», 2 та «Магнум», ўндан ортиқ чопиқ трактори билан таъминланди. Кўл меҳнатини енгиллаштириш мақсадида машинада пахта теришни тўла йўлга қўйдик. 450 гектар майдондан 1150 тонна пахтани агрегатлар ёрдамда териб олдик. Буларнинг ҳаммаси пахтадан келадиган даромад салмоғини кўпайтирди. Жорий йилда соҳадан 5,5 миллиард сўмлик фойда кўриляпти. Бу — бултургидан 2 миллиард сўмга кўп.

Ҳокимнинг фахрланганича бор: Тумандаги биргина юқорида ҳикоя қилинган Баҳоуддин Нақшбанд номли ширкатда эмас, «Бухоро», «Зарафшон», «Гулистон», «Бўстон» ширкат хўжаликларида ҳам мақтаса мақтагулик ютуқларга эришилмоқда. Бу эса туманнинг вилоятда биринчи бўлиб пахта тайёрлаш шартномавий режасини бажариш имконини берди. 13 та пахтачилик хўжаликлари далаларидан қарийб 22 минг тонна ҳосил йиғиштириб олинди. Илғор хўжаликларда ҳосилдорлик гектар бошига 32-34 центнерга етди...

ҚАСРИ ОРИФОН МЎЪЖИЗАЛАРИ

Когонликлар бу йил қўш-қўш зафарлар билан бирга катта шодиёналар шоҳиди ҳам бўлишди. Ислом оламининг йирик намояндаси Абдухолиқ Ғиждувоний ҳазратларининг 900 йиллик юбилейи тантаналари кунларида юртдошлари — Ҳазрат Баҳоуддин Нақшбанд таваллуд топган куннинг 685 йиллигини ҳам нишонладилар. Тўй тараддуди олдидан улуғ бобомиз хоки осойиш топган қадамжода катта таъмирлаш ишлари олиб борилди. Ҳазрат зиёратгоҳида бу яқин орада бўлмаган киши ҳозир Қасри Орифон қишлоғидаги мўъжизаларни кўриб, ҳайратда қолиши турган гап. Юртбошимиз ҳам яқинда бу ерда бўлганда «Миллий ва замонавий услубда яратилган гўзал бинолар, муҳташам айвон, мовий гумбаз ва пештоқлар, нақшинкор дарвоза ва устунлар, бир сўз билан айтганда, чинакам санъат асари бўлган бу мажмуа ҳар қандай одамни ҳайратга солиши шубҳасиз» — деб таъкидладилар...

Носир АШУРОВ, туман ҳокимлигининг маънавият ва маърифат бўлими бошлиғи: Илгари бу ер ўзи қаровсиз ва ташландиқ ҳолатда эди. Одамлар зиёратга келишга чўчирди. Аллоҳга шукрки, аввал бошданоқ муҳтарам Президентимиз ташаббуси ва қатъий саъй-ҳаракати билан улуғ аждодларимизга бўлган ҳурмат-эҳтиром ўз ўрнига қўйилди. Бу ҳам бизга ҳурлик ва мустақиллик инъоми!

— Ғиёс ДАВРОНОВ, туман бош архитектори: Таъмирлаш ишларида бутун вилоят усталарига эмас, балки, мамлакатимизнинг турли бурчакларидан келган номдор меъмор, ганчкор ва ёғоч-ўймакорлар ҳам фаол иштирок этдилар. Зиёратгоҳнинг асл-қадимий қиёфасини тиклаш учун тумандошларимиз ҳар томонлама мададкор бўлишди. Бугина эмас, Юртбошимиз маслаҳатлари ва йўл-йўриқлари билан Бухородаги Эски Тоқи Миёна, Дарвозаи Диловар, Дарвозаи Боби Салом зиёратгоҳлари тубдан қайта тикланди. Жойларда кўп устунли айвонлар, қўшимча дарвозалар, мачиту мадрасалар, 2,5 гектарли сўлим боғ, катта-кичик ҳовузлар барпо этилди. Бухоро хонларининг даҳмалари, чиройли йўлаклар — ҳамма-ҳаммаси бирибиридан мўъжиза...

Қасри Орифонда яна бир мунаввар тонг отди. Бу тонгда ҳам одатдагидек ҳазрат Нақшбанд ўз ватандошларига яна бир бора: **«Қўлинг меҳнатда бўлсин, дилинг Оллоҳда»**, деб даъват қилаётгандек туюлади кишига.

Даврон БАҲРОНОВ, «Ўзбекистон овози» мухбири

Мулоҳаза

ТУТ — БЕБАҲО НЕЪМАТ

ЁКИ ТУТЗОРЛАР ТОБОРА КАМАЙИБ КЕТАЁТГАНЛИГИ, УНИ КЎПАЙТИРИШГА ЕТАРЛИ ЭЪТИБОР БЕРИЛМАЁТГАНИ ҲАҚИДА

Халқимизда «Бир йил тут эккан — юз йил гавҳар теради» деган ҳикматли гап бор. Бу тут дарахтининг узоқ яшашига эмас, мевасининг тўйимли, шифобахшлигига ҳам ишорадир. Кексаларнинг айтишларига қараганда, тутлар 200-300 йилдан зиёд яшайди.

Меваси халқ табобатида шамоллаш, ошқозон-ичак касалликларини даволашда, танада қонни кўпайтириш ва тозалашда, иситмани туширишда кенг қўлланилгани маълум. Мевасининг таркибида 12 фоиз қанд, 2 фоиз азотли моддалар мавжуд.

Тут дарахтининг 20 дан ортиқ тури бўлса-да, республикамизда асосан қора шотут, оқ балхи тутлар ўстирилади. Сўнгги йилларда маданият ва истироҳат боғларида, идоралар ҳовлиларида, хиёбонлар ва бошқа жойларда манзарали мажнун тутлар ҳам ўстирила бошланди. Булардан ташқари, ипак қуртларини боқиш учун бутали тут дарахтлари кўпайтирилмоқда.

Тут йилнинг тўнғич меваси. У барча мевалардан олдин пишади. Тут шарбати шинни деб аталади. Ёғочининг қаттиқлиги сабабли ундан эшик-деразалар ясалиб, устун ва тўсинлар йўнилган, йўғон кундаларидан мойжувоз ва кели тайёрланган. Чопқир отларнинг эгарларини ҳам тутдан ясаш одат бўлган.

— Республикамизда ўсадиган тут навларининг бирортаси ҳам ер танламайди, — дейди Ўзбекистонда хизмат кўрсатган агроном Муродулла Бобоев. — Улар қора тупроқли ҳосилдор жойларда ҳам, тошлоқ, қумлоқ ва ҳатто шўрхок жойларда ҳам ўсаверади. Бунинг устига қурғоқчилик ҳамда намгарчиликка яхши чидайди. 8-10 йиллик бир туп тут дарахтидан 100, 10-15 йиллигидан 200, ундан катталаридан 300-400 килогача мева олиш ёки ана шу ҳосилнинг 30 фоизи миқдорида майиз ғамлаш мумкин. Тут мевасидан олинадиган талқон ҳам қиш фаслида жуда яхши озуқа ҳисобланади.

— Болаликда қишлоғимиздаги тутлардан кўп тут қоққанман. Ҳар бир қишлоқнинг тутзори бўларди, — дейди нурободлик Ислом бобо Саманов. — Киши-ларнинг ҳовлиларида танасига қулоч етмас тутлар ўсарди.

Лекин тут барги ипак қурти озуқаси бўлгани учун ҳар йили шохлари каллакланавериб, дарахтларнинг умри ҳам қисқара борди. Ҳатто баъзи кишилар ҳовлиларидаги тутларни таг-томири билан қўпориб ташладилар. Бугунги кунга келиб катта тутлар онда-сондагина кўзга ташланадиган бўлиб қолди. Илгарилари тоғ дараларида, сойсанглоқларда, катта йўл бўйларида, қўйингки, ҳамма жойда уни учратиш мумкин эди. Самарқанд вилоятининг Ургут, Тойлоқ, Нуробод туманлари тоғ ёнбағирларида, Чунқаймиш, Аназират, Бешбармоқ, Жом, Тутли сингари тоғ қишлоқлари ҳовлилари ҳамда Қорагаза қирларида ўсадиган азим тутлар эндиликда камайиб кетди. Тут неъматларини бозорлардан доривор учун излаб топиш ҳам муаммога айланиб қоляпти. Зарурманд кишилар унинг мевасини Нуробод туманидаги Бешбармоқ қишлоғининг Қизилқат, Юзсой сўқмоқлари этагида яшовчи таниш-билишларидангина топа олишлари мумкин.

Ватанимизни боғ-роғларга буркаш вазифаси қўйилмоқда. Шундай экан, бошқа дарахтлар қатори тутзорларни ҳам кўпайтириш лозим деб ўйлайман. Тутнинг меваси бебаҳо неъматлигидан ташқари, дарахти маҳаллий саноатимиз учун ҳам жуда зарур хомашё эканлиги хусусида мутахассислар ўз фикрларини билдиришар, деган умиддаман.

Маъмуржон ҚИЁМОВ, журналист

ХОТИРА КЕЧАСИ

Таниқли ўзбек драматурги, шоир, театр намояндаси ва таниқли таржимон Хуршид (Шамсиддин Шарофиддинов) таваллуд топганига 110 йил тўлганлиги муносабати билан Алишер Навоий номидаги Ўзбекистон давлат академик катта опера ва балет театрида хотира кечаси бўлиб ўтди. Тадбирни Ўзбекистон Республикаси маданият ишлари вазири ўринбосари, Ўзбекистон халқ артисти Фарруҳ Зокиров кириш сўзи билан очди ва Хуршиднинг театр санъатига, маданий меросимизга қўшган ҳиссаси тўғрисида гапирди. Шунингдек, театр арбоблари, адабиётшунос олимлар Шамсиддин Шарофиддиновнинг ҳаёти ва ижод йўли ҳақида ўз фикрларини билдирдилар.

Шамсиддин Шарофиддинов XX аср ўзбек драматургияси ва театр санъатининг қалдирғочларидан бири эди. У миллий адабиётимиз, театр санъатини ривожлантириш йўлидаги улкан хизматлари учун «Ўзбекистонда хизмат кўрсатган санъат арбоби» фахрий унвони билан тақдирланган.

Маъмуржон МАҲМУД

«АСАКА ДОН МАҲСУЛОТЛАРИ»

ОЧИҚ АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ ЖАМОАСИ

Ҳур диёримизнинг кўп миллатли халқини, юртимиз келажаги бўлган болажонларимизни

ЯНГИ ЙИЛ ШОДИЁНАЛАРИ

билан самимий қутлайди!

Поёнига етаётган йилда мамлакатимизда ғалла мўл бўлди, омборлар донга тўлди. Зеро, қисқа муддат ичида ғалла мустақиллигига эришилди. Айни пайтда янги ҳосил учун экилган ғалла майдонлари ям-яшил либосга бурканган. Демак, келгуси йилда ҳам баракали хирмон уюлади, корхонамизда қайта ишлаш учун хомашё сероб бўлади.

Ниятимиз — халқимизнинг ризқ-насибаси ҳамиша бутун бўлсин.

Янги йилда юртимиздаги ҳар бир оилага тинчлик, осойишталик ҳамда тўкинлик тилаймиз!

Байрамингиз қутлуғ бўлсин, азизлар!

Биз билган ва билмаган тарих

ҲАЗОРА ҚАДАМЖОСИ

ИСЛОМ ОЛАМИДА КАТТА НУФУЗГА ЭГА БЎЛГАН АЗИЗ АЖДОДЛАРИМИЗНИНГ УШБУ МУБОРАК ҚАДАМЖОЛАРИНИ ОБОД ЭТИШ ВАҚТИ КЕЛДИ, ДЕЙИШМОҚДА НАВОИЙ ВИЛОЯТИ ЗИЁЛИЛАРИ

Мамлакатимиз мустақилликка эришгач, ўтган 12 йил орасида миллий қадриятларимизни тиклаш, улуғ аждодларимиз номларини абадийлаштириш борасида қилинган ишларни санаб адоғига етиш қийин. Собиқ шўро даврида вайрон этилган қанчалаб муборак қадамжолар тикланиб, обод этилди. Яқиндагина Бухорода Абдулхолиқ Ғиждувоний ва Баҳоуддин Нақшбанд мажмуалари таъмирланиб, қайта қурилиб, халққа топширилди. Бу муқаддас жойларни совет замонида зиёрат этиш тақиқланганди, большевиклар, коммунистлар халқимиз асрлар давомида ардоқлаб, сиғиниб келган бу қадамжоларни минерал ўғит сақлайдиган омборхоналарга айлантириб, хароб этишганди. Президентимиз ташаббуси ва саъй-ҳаракати билан ўнлаб бундай муқаддас жойлар обод этилди.

Мамлакатимизда миллий қадриятлар билан боғлиқ кўплаб улуғ ишлар амалга оширилганини эътироф этган ҳолда айтиш керакки, бу борада ҳали қилиниши лозим бўлган ишлар оз эмас. Ҳар бир вилоятда, шаҳарда ёки туманда ўрганишимиз, обод қилишимиз зарур бўлган муқаддас жойлар беҳисоб.

Жумладан, Навоий вилоятида улуғ аждодларимиз қадамжолари оз эмас. Хусусан, мустабид тузум қадим Кармана ҳақида йилларида унинг тарихи, у ерда яшаб ўтган пиру авлиёлар хусусида ҳеч қандай маълумотга эга эмасдик. Ис-



Суратларда: Деггарон хонақоҳининг бугунги кўринишлари

тиқлол бу қадимий шаҳарнинг асл тарихи, унинг барпо этилиши борасида тадқиқот олиб бориш, асраш имкониятини берди. Ушбу уринишлар туфайли Қосим Шайх Азизон хонақоҳи ва масжиди зиёратгоҳга айлантирилди, Работи Малик карвонсаройи, Сардоба тошҳовузида таъмирлаш ишлари бошлаб юборилди.

Шу ўринда бу заминдаги яна бир кўҳна қадамжо узоқ йиллар давомида эътибордан четда қолиб келаётгани хусусида сўз юритмоқчи эдик. Ҳазрати Ориф Деггароний номи билан аталувчи ушбу ёдгорлик Навоий тумани Ҳазора қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудида жойлашган. Мақбарининг пиру авлиё Мавлоно Ориф номи билан аталиши ҳалигача мавҳум. Тахминларга кўра, ушбу мақбара XI асрга тегишли бўлиб, профессор Сулаймон Иноятовнинг ёзишича, у Мир Саид Баҳром хонақоҳи билан уйғун тарзда X-XI асрларда қурилган. Лекин 1930 йилларда бу обида устида тадқиқот олиб борган олим А.Якубовский уни Бухородаги Исмоил Сомоний, археолог В.Шишкин ўзининг «Бухоро архитектура ёдгорликлари» китобида Работи Малик ҳамда Деггарон масжидларини VIII-IX аср дурдонаси сифатида қайд этади.

Деггароний ёдгорлиги қадимий шарқ меъморчилик анъаналари асосида қурилган бўлиб, таянч устунлари пишиқ ғиштдан ниҳоятда мустаҳкам ва бежирим қилиб тикланган. Хонақо ташқи кўринишидан унчалик салобат касб этмаса-да, бироқ ички қисмидаги улуғворлик ва шарқона безаклари унинг ўз даврида юксак дид билан бунёд этилганидан далолат беради. Мақбаранинг устида тўққизта гумбаз жойлашган бўлиб, устунларга таянадиган тош ёйлар бино ичкарисини бир қанча кичик хоналарга ажратади.

Ривоят қилишларича, қадимда Ҳазора ҳудудида ҳунармандлар истиқомат қилишган. Шу боис, масжид шу ерлик ислом пешвоси Мавлоно Ориф Деггароний (Деггарон — «қозон қуювчи» дегани) номини олган бўлса ажаб эмас.

Сулаймон Иноятовнинг ёзишича, хонақоҳнинг номи қозон ясовчилар пири Мавлоно Ориф исмига бутунлай мос келади. Демак, деггарон — «қозончи», «қозончилар сардори» маъноларини ҳам билдиради.

Энди бу зот ҳақида батафсил тўхталадиган бўлсак, Ҳазрати Мавлоно Ориф 1313 йилда туғилган, Зарафшон дарёси яқинидаги Тошработ қўрғонига туташ кичик бир қишлоқда яшаган(ҳозир бу қишлоқ аҳолиси саккиз мингдан зиёд). Саййид Муҳаммад Носирнинг 1907 йили Бухорода чоп этилган «Туҳфат аз-зоирин» («Зиёратчиларга совға») асарида Мавлоно Орифнинг «Ҳазора»даги Деггарон даҳасида туғилиб ўсганлиги келтирилади. Ҳазратнинг валийлик хислатига эга экани ҳақида ҳам ривоятлар бор. У Саййид Амир Кулолнинг энг яқин шогирдларидан бири бўлиб, каромат ва башоратлар кўрсатиш қобилиятига эга бўлган. Амир Кулол айтадиларки: «Мавлоно Ориф ва Баҳоуддин Нақшбандга тенг келадиган пир ҳам, авлиё ҳам йўқ. Улар иккиси ҳам Аллоҳ марҳаматига ноил, нозил кишилардир». Шу таърифнинг ўзиёқ Деггаронийнинг ислом дунёсида қандай нуфузга эга бўлганини яққол кўрсатади.

Мавлоно XIV асрнинг буюк пиру авлиёси бўлиш билан бирга Ҳазора, Тошработ, Армижон, Дул-дул, Арабсарой қишлоқларининг ҳакими сифатида ҳам ном чиқарган, табиблик қилиб касалманд кишиларни даволаган, бева-бечораларга меҳр-шафқат кўрсатган.

Шу ўринда қуйидаги ривоятни келтирамиз. Буюк пир Саййид Амир Кулолнинг тўрт нафар ўғиллари бўла туриб, 1372 йили бандаликни бажо айлаётганда қабрга ўнг томондан Мавлоно Ориф, чап томондан эса Баҳоуддин Нақшбанд қўйишини васият қилади. Чунки, уларнинг номи бутун ислом дунёсига ёйилган, юзлаб шогирдларга эга бўлишган. Тахминан 1400 йилларда бандаликни бажо келтирган Мавлоно Ориф Деггароний ҳам қабрга ўғли эмас, Баҳоуддин Нақшбанд қўйишини ва қабри бошидан уч кун жилмаслигини васият қилади.

Манбаларда келтирилишича, Мавлоно Ориф Деггароний ва унинг аёли Маҳипоралардан Абул Хайр Хожа исмли ягона ўғил фарзанд қолган. Худди шу шажаранинг сўнгги вакилларидан бири Тоҳир Хожа Карманадаги Қосим Шайх Азизон қабристонига дафн этилган.

Шу йил Мавлоно Ориф Деггароний таваллудига 690 йил тўлди. Бироқ ҳазрат қадамжосини таъмирлаш масаласи, очиғи эътибордан четда қолмоқда. Тўғри, саксонинчи йиллар охирларида Ҳазора ширкат хўжалиги томонидан зиёратгоҳ ён-атрофи тозаланиб, қўшимча битта айвон қуриб берилганди. Шундан сўнг, бир неча йиллар давомида мақбара қаровсиз қолиб кетди. Ҳозирда Деггарон жоме масжиди имом-хатиби Саъдулла ҳожи Ўсар ўғли турли идораларга хат ёзиб, бу ерни обод этиш бўйича таклифларини айтмоқда.

Масаланинг яна бир ачинарли томони шундаки, обиданинг атрофига ушбу меъморий ёдгорлик қайси даврга тегишли эканлиги, бу ерда ким дафн этилганлигини кўрсатувчи бирон-бир белги ёки лавҳа қўйилмаган. Тошкент — Бухоро 37-магистраль йўлининг Маликчўл, Малик Работ, Ҳазорага қайтиш жойида қад ростлаб турган ушбу қадамжо ҳақида маълумот ва манбаларга таяниб кўрсаткичлар ўрнатилса, мақсадга мувофиқ бўлар эди.

Музаффар ШАРОПОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

ТАҲРИРИЯТДАН:

Ўтган улуғ аждодларимиз хотирасини абадийлаштириш, уларниг таваллуд топган кунларини муносиб нишонлаш хайрли анъанага айланиб қолди. Юртбошимиз айтганидек, бу ерда гап тантанадагина эмас, муҳими, биз уларнинг ўз даврида келажак авлодлар учун қолдирган салмоқли мероси, ижобий ишлари, керак бўлса, умумжаҳон цивилизациясига қўшган ҳиссаларини қадрлаймиз. Президентимизнинг ушбу сўзлари истиқлол йилларида бош масалалардан бирига айланди. Имом Бухорий, Ал Фарғоний, Марғиноний, Абу Мансур ал-Мотуридий, Абдулхолиқ Ғиждувоний каби улуғ боболаримиз хотирасига бағишланган эҳтиромлар бунинг исботидир.

Ҳеч шубҳа йўққи, улар қаторига яқин вақтлар ичида яна кўплаб буюк боболаримизнинг номлари қўшилади.

Ушбу мақолани нашрга тайёрлашда бизга яқиндан кўмак бергани учун Тошкент Ислом университетининг илмий мерос ва диний тадқиқотлар бўйича проректори Абдулазиз Мансуровга ўз миннатдорчилигимизни билдирамиз.

ХАЛҚАРО МЕЪЁРЛАР САРИ

Ҳар қандай давлатда маҳсулотларнинг сифати, уларнинг жаҳон стандартларига мос бўлишига алоҳида аҳамият берилади. Чунки шундай хусусиятларга эга бўлган молларгина халқаро бозорда харидор топади. Жаҳон иқтисодиётида тобора кенгроқ иштирок этаётган ва Жаҳон савдо ташкилотига аъзоликка номзод бўлган мамлакатимиз учун ҳам бу масала ниҳоятда долзарб. Бозор иқтисодиёти шароитида маҳсулотларнинг сифатини ва рақобатга бардошлилигини таъминлаш масаласи стандартлаштириш, метрология ва сертификатлаштириш бўйича давлат тизимини такомиллаштириш ва унинг илмий асосларини ривожлантириш билан узвий боғлиқ. Бу борада «Узстандарт» агентлиги бир қатор тадбирларни амалга оширмоқда. Жумладан, стандартлаштириш соҳасида республика корхоналарида илғор халқаро стандардларни жорий этиш, метрология соҳасида Миллий эталон базасини яратиш, сертификатлаштириш соҳасида Миллий сертификация тизимини ривожлантириш, савдодаги техник тўсиқларни бартараф этиш борасида қизғин иш олиб борилмоқда. Бунинг учун етарли ҳуқуқий асослар мавжуд. Ўзбекистон Республикасининг «Стандартлаштириш тўғрисида», «Метрология тўғрисида», «Истеъмолчилар ҳуқуқларини ҳимоя қилиш тўғрисида», «Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида»ги қонунлари ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг «Стандартлаштириш, метрология ва маҳсулот ҳамда хизматларни сертификатлаштириш тизимини такомиллаштириш бўйича чора-тадбирлар тўғрисида»ги Қарори бунга мисол бўла олади. Мазкур ҳужжатлар мамлакатимизга сифатсиз моллар киритилишининг олдини олишда ҳам дастуриламал бўлмоқда.

Яқинда «Ўзстандарт» агентлигида республика Ахборот-маълумот маркази иш бошлади. Марказнинг ташкил этилиши ҳам юқорида қайд этилган вазифалар билан узвий боғлиқ. У корхоналар, ташкилотлар, вазирликлар, юридик ва жисмоний шахсларга маҳсулотларнинг сифати ҳамда рақобатга бардошлилигини ошириш бўйича амалий ва методик ёрдам кўрсатади. Амалдаги ва энди тайёрланадиган меъёрий ҳужжатларнинг илмий-техникавий савиясини ошириш, халқаро ва давлатлараро меъёрий ҳужжатлар билан мамлакатимизда тайёрланаётган меъёрий ҳужжатларнинг талабларини уйғунлаштириш ва экспертиза қилиш, давлатлараро, халқаро ва республикамизнинг меъёрий ҳужжатлари жамғармасини ташкил этиш ва тўлдириб бориш, амалдаги меъёрий ҳужжатларга ўз вақтида қўшимчалар ва ўзгартишлар киритиш, истеъмолчиларни амалдаги меъёрий ҳужжатлар билан ўз вақтида таъминлаш Марказ фаолиятининг асосий йўналишларидир.

Марказ ўз фаолиятини амалга оширишда агентлик бўлинмалари, корхоналар, ташкилотлар, илмий-текшириш институтлари, вазирликлар, қўмиталар, юридик ва жисмоний шахслар билан ҳамкорлик қилади. Мақсадимиз Ўзбекистонда халқаро андозаларга мос келадиган, одамларнинг соғлигига ва атроф-муҳитга зиён етказмайдиган маҳсулотлар ишлаб чиқарилишига кўмаклашишдир.

Анвар ИСМОИЛОВ,
«Ўзстандарт» агентлиги Ахборот-маълумот маркази раҳбари

«ШАҲРИСАБЗ-КОНСЕРВА»
очиқ акциядорлик жамияти жамоаси
Ўзбекистон халқини кириб келаётган
ЯНГИ — 2004 ЙИЛ
билан чин қалбдан табриклайди.
Янги йил мамлакатимизга янада тўкин-сочинлик, қут-барака, олиб келсин. Яқинларимиз ҳамиша соғ-саломат, фарзандларимиз иқболи доимо баланд бўлсин.

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, азиз юртдошлар!
Республика акциядорлик тижорат «ҒАЛЛАБАНК» Бошқаруви ва жамоаси
янги орзулар, ажойиб режалар билан кутилаётган
ЯНГИ ЙИЛ БИЛАН
ўз акциядорлари ва мижозларини самимий муборакбод этади.

Байрам муносабати билан юқори фоизли қуйидаги омонат турларини таклиф қилади!
«Ҳамкорлик» омонат тури
Омонатнинг сақланиш мудадти — 3 ой.
Қўйилган омонат учун йиллик 42 фоиз миқдорида устама ҳисобланиб, олдиндан тўлаб берилади.
«Тақдим этувчига» омонат тури
Омонатнинг сақланиш муддати 3 ой бўлиб, устама йиллик 42 фоиз миқдорида олдиндан ҳисоблаб берилади.
Омонатга қабул қилинган маблағ омонат дафтарчасини тақдим этган омонатчига тўлаб берилади.
Шунингдек, 3 ойдан 12 ойгача бўлган муддатга мўлжалланган депозит (омонат) сертификатларини таклиф этади. Улар бўйича 90 кундан 360 кунгача муддатга 10 фоиздан 42 фоизгача устама ҳисобланиб, омонатчига хоҳлаган муддатда тўлаб берилади.

«ҒАЛЛАБАНК» хонадонингизга барака келтирсин!

«НАМАНГАН ТЕКСТИЛЬ»

очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Қадрли Ватандошларимизни, бутун халқимизни Янги — 2004 йил билан самимий табриклайди. Сизларга, яқинларингизга мустаҳкам соғлиқ, ишларингизда муваффақиятлар тилайди. Оилангизга тинчлик, омонлик, хотиржамлик ва фаровонлик ёр бўлсин. Янги йил қувонч ва омад олиб келсин!

Айёмингиз қутлуғ бўлсин, қадрли юртдошлар!

BANK XALQ BANKI

МУҲТАРАМ ЮРТДОШЛАР!

ЎЗБЕКИСТОННИНГ ЭНГ ЙИРИК ВА УНИВЕРСАЛ БАНКЛАРИДАН БИРИ

ХАЛҚ БАНКИ

Жисмоний ва юридик шахсларга «СВИФТ» халқаро тўлов тизими орқали уларнинг маблағларини жаҳоннинг исталган нуқтасига зудлик билан етказиб бериш ва қабул қилиб олиш хизматини таклиф этади.
Барча турдаги ўтказмалар энг қулай тариф асосида амалга оширилади.
Пул ўтказмаларингизни Халқ банкининг барча филиалларида амалга ошириш имконига эгасиз.

Тўлиқ маълумотлар учун қуйидаги телефонга мурожаат этишингиз мумкин: (3712) 78-84-38

ҲУРМАТЛИ ИШБИЛАРМОН ВА ТАДБИРКОРЛАР !

Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги сизларни кириб келаётган янги йилингиз билан қутлайди ҳамда янги йилдаги ишларингизга муваффақият тилайди. Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг Аукцион савдоларини ташкил қилиш Агентлиги

2004 йил 27 январь ва 3,10,17,24 февраль кунлари Ўзбекистон Банклари Ассоциациясининг биносида соат 10:00 да кимошди савдоларини ўтказади.

Кимошди савдоларига қуйидагилар қўйилади:

"Барака" лизинг компанияси томонидан гаров ҳисобига олинган қуйидаги мулклар:

1. Хоразм вилояти, Урганч тумани "Гойбу" қишлоғи С.Каландарова ширкат хўжалигида жойлашган, умумий майдони 10792 кв.м. бўлган иссиқхона (теплица), бошланғич нархи — 78259200 сўм.

2. Хоразм вилояти, Урганч тумани, "Гойбу" қишлоғи, "С.Каландарова" ширкат хўжалигида жойлашган умумий майдони 1167,98 кв.м. бўлган клуб биноси, бошланғич нархи — 27827015 сўм.

3. Хоразм вилояти, Гурлан тумани, "Гулистон" қишлоғи, "Гулистон" ширкат хўжалигида жойлашган сутни қайта ишлаб чиқарувчи кичик сут заводи, бошланғич нархи — 68476800 сўм.

4. Самарқанд вилояти, Нуробод тумани, "Улус" қишлоғи "Зарафшон" фермер хўжалигида жойлашган умумий майдони 4355,31 кв.м. бўлган ферма бинолари, бошланғич нархи — 20000000 сўм.

5. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, "Хиндмозор" қишлоғи, "Ҳақиқат" ширкат хўжалигида жойлашган умумий майдони 3240 кв.м. бўлган бино ва иншоотлар, бошланғич нархи — 77664430 сўм.

6. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, "Хиндмозор" қишлоғи, "Чортоқ" ширкат уюшмасида жойлашган бино ва иншоотлар, бошланғич нархи — 18033854 сўм.

7. Андижон вилояти, Олтинкўл тумани, "Хиндмозор" қишлоғи, "Ҳақиқат" ширкат хўжалигида жойлашган асбоб-ускуна, дастгоҳлар ва (цистерналар) бошланғич нархи — 29325679 сўм.

8. Андижон вилояти, Балиқчи тумани "Чинобод" қишлоғида жойлашган "Чинобод" фермер хўжалигига қарашли:

— умумий майдони 724 кв.м. бўлган "Чинобод" универмаги, бошланғич нархи — 83616042 сўм;

— умумий майдони 31 кв.м. бўлган омборхона, бошланғич нархи — 3382754 сўм.

Шу билан бирга 2003 йил 22 ноябрдаги "Туркистон" газетасида эълон қилинган "Барака" лизинг компанияси томонидан тавсия этилган Исроил давлатининг "Marav Technologies food Ltd" компаниясида ишлаб чиқарилган 2000 литр ҳажмдаги қаймоғи олинмаган сутни қайта ишлаб, ундан қаймоқ, сарёғ, бринза, қаттиқ пишлоқ, сузма ҳамда 3,2% ли сут ишлаб чиқарувчи кичик сут заводлари 2004 йилнинг январь ва 3,10,17,24 февраль ойлари давомида ўтказиладиган аукцион савдоларига қўйилиб борилади.

Савдода қатнашиш учун харидорлар объектларнинг бошланғич нархининг 10 фоизи миқдорида гаров пули тўлашлари шарт. Савдода қатнашиш тартиби ва шарт-шароитлари билан боғлиқ барча масалалар юзасидан қуйидаги манзилга мурожаат қилишингиз мумкин:

Тошкент шаҳар, Шайхонтоҳур тумани, А.Хўжаев кўчаси, 1-уй Телефонлар 138-69-70, 138-69-93.

Қонун устуворлиги

ТУҲМАТ БАЛОСИ

ЁКИ СУДНИНГ ОДИЛ ҚАРОРИ ҲАҚИДА

Очиғи, ёшим элликка яқинлашган бўлса-да, бирон марта газетага хат ёзмаганман. Лекин жиддий сабаб билан сизларга мактуб йўллашга мажбур бўлдим. Негаки, туҳматга учраб бошимдан ўтказган азоб-уқубатлардан бошқалар ҳам хабардор бўлсин, бу воқеадан улар ҳам ўзларига хулоса чиқарсин. Яна бир муҳим гап шуки, одил судловимиз мени бадном қилмоқчи бўлганларнинг барча даъволарини асоссиз деб топиб, адолат ва ҳақиқатни рўёбга чиқарди.

Ўт балосидан, сув балосидан, туҳмат балосидан асрасин деган гапларни кўп эшитганман. Менга эски танишларим — ака-сингил Баҳодир Қутлиев ва Зулфия Матвалиевалар туҳмат қилишди. Гўёки мен уларни алдаб ва ишончини суиистеъмол қилиб жуда кўп миқдордаги мулкини қўлга киритган эмишман. Ҳуллас, 2002 йил 4 июнда менга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 168-моддаси 3-қисми «а» банди билан жиноят иши қўзғатилди. Хоразм вилоят ИИБ тергов бошқармаси катта терговчиси, милиция майори П.Ҳасанов жиноят ишида айбланувчи тариқасида иштирок этишим ҳақида қарор чиқарганда, қандай далилларга асосланган эди? П.Ҳасанов нега била туриб қонунларимизни оёқ ости қилди, нега мендай оддий одамни фирибгарга чиқарди?

Менга қўйилган «айблов»лар хусусида қисқача тўхталсам. «Жабрланувчилар» бу ишга узоқ ва пухта тайёргарлик кўрган шекилли, терговчи «мозийдан», яъни 1998 йилда бўлган бир воқеани ўйлаб ўтирмай «далил» сифатида келтирган. Аслида ўшанда ҳеч қандай нотўғри иш бўлмаган. Урганч шаҳридаги «Оазис» чойхонасининг олд айвонига брезент соябон тикиб беришни Рўзибой Мақсудовдан илтимос қилганман. У ишини бажаргач, 10 минг сўм меҳнат ҳақи олган. Бор гап шу. Терговчи эса гўёки мен Р.Мақсудовга 20 минг сўм бераман, деб алдаб 10 минг сўмини фирибгарлик йўли билан қўлга киритган эмишман. Суд даъвогар ҳамда гувоҳлар кўргазмасини чуқур ўрганиб, фуқаро Р.Мақсудовнинг мулкини ёки мулкка бўлган ҳуқуқини қўлга киритмаганлигимни асослаб берди. Биринчи «пуфак» шу тариқа ёрилди.

Терговчининг мени айблаш учун келтирган асосий ва жиддий «далили»га ўтишдан авval бир фактни келтирсам. Чунки, бу воқеа ҳам «дело»да бор. Ҳуллас, мен 2001 йилда Урганч шаҳридаги квартирамни сотишга қарор қилдим. Харидор эски таниш — Султонбек Аллаберганов (ички ишлар бўлимида ишлайди) билан квартира нархини келишиб, олди-сотди қилдик. У пулнинг бир қисмини кейинроқ беришини айтди. Қисқаси, Султонбек мендан қарз бўлиб қолганди ўшанда. Ҳатто, бу ҳақда унинг қайнотаси Баҳодир Қутлиев (менга туҳмат уюштиришда бош-қош бўлган одам) ўз қўли билан Хоразм вилоят ички ишлар бошқармаси бошлиғи номига ёзган тушунтириш хатида ҳам куёви Султонбек квартира олди-сотдисида мендан қарздор бўлиб қолганлигини таъкидлаган. Бу гапларни келтиришимга сабаб, ака-сингил Баҳодир Қутлиев ва Зулфия Матвалиевалар мени фирибгарга чиқариб «бизнинг пулларимизни алдаб олиб бермай юргани етмаганидай, ҳатто Султонбек Аллабергановдан ҳам фирибгарлик йўли билан пул ундирди», дейиши қайси мантиққа тўғри келади?

Жиноят ишининг бош «ташкилотчилари» — Баҳодир Қутлиев ва унинг сингласи Зулфия Матвалиевалар ҳеч ўйлаб ўтирмай менга туҳмат уюштиришди. Мен улардан олган пулларни қайтармаган эмишман. Аслида ундай эмас. 2002 йил май ойининг бошларида бизнес қиламан, дея қарз олганман, аммо режамиз амалга ошмагандан кейин олган қарзимни бир ҳафта ичида қайтариб берганман. Буни гувоҳлар, ҳатто Баҳодир Қутлиевнинг танишлари, куёви ҳам ёзма равишда тасдиқлайди. «Дело» эса кундан-кунга «семириб» бораверди. Терговчи даъвогарлар келтирган важларни ўрганмай фақат мени айблаш томонида бўлди, дейиш учун барча асосларим бор. Уюшган гуруҳ — Баҳодир Қутлиев, Зулфия Матвалиева ҳамда Султонбек Аллабергановларнинг ғирт туҳматдан иборат уйдирмаларини нега терговчи жиддий ўрганмади, келтирилган далилларга холис, қонун нуқтаи назаридан баҳо бермади?

Терговчи П.Ҳасановни малакасиз, ўз ишини билмайди, дейиш фикридан йироқман. Ахир, унга катта терговчи мансаби, майор унвони бекорга берилмагандир? Ана шундай мартаба эгаси, милиция ходимининг кўра-била туриб уюшган гуруҳ манфаатини кўзлаб, мени жиноятчига чиқаришини қандай баҳолаш керак? Билишимча, терговчи ҳар бир даъвони, ариза ва шикоятни чуқур ўрганиши, келтирилган важларни далиллар билан асослаб бериши, инсон тақдирини ҳал қилувчи ҳар бир деталга холис ва одил баҳо бермоғи лозим. Афсуски, П.Ҳасанов кўзини чирт юмиб мени айбдор, дея ишни судга оширди.

Энди билсам, Баҳодир Қутлиев ва Зулфия Матвалиеваларнинг ўзлари фирибгар экан. Улар фоиз ҳисобига қарз бериб одамларни чув тушириб юрган экан. Бунга мисол қилиб шу йил 17 июнда бўлиб ўтган фуқаролик ишлари бўйича Урганч туманлараро судида кўрилган ишни келтириш мумкин. Суд даъвогар Қадам Якубов фойдасига жавобгар Зулфия Матвалиевадан 1972778 сўм ундирилсин, деган қарор чиқарган. Мана шу ҳолатнинг ўзи ака-сингилнинг бировларнинг пулини алдаб олиб фирибгарлик қилганлигини тасдиқламайдими? Менга энг таъсир қилгани, Янгиариқ туманида яшовчи, уруш қатнашчиси, биринчи гуруҳ ногирони отам Оллаберганов Ҳасаннинг уйини милиция майори И.Ҳусинов бошчилигидаги гуруҳ ҳеч қандай ҳужжат кўрсатмасдан тинтув қилгани бўлди.

Мақсад мендай «ашаддий жиноятчини» айблаш учун сўнгги чора сифатида отамнинг уйидан бирон нарса топиб «дело»ни «мустаҳкамлаш» бўлган. Аммо «қидирган» нарсаларини топа олишмай, тинтув баённомасини қуйидаги сўзлар билан якунлашган: «жиноят ишига алоқадор буюмлар, ҳужжатлар топилмади, олинмади». Бунисига нима дейсиз? Қайси жиноятга алоқадор?

Шундай қилиб, бир йил сўроқ савол-жавоблари билан ўтди. Наҳотки, фирибгар бўлсам? Наҳотки, туҳматнинг қўли узун келиб қамалсам? Шаънim, қадр-қимматим топталса? Энг ёмони — одамларнинг юзига қандай қарайман? Терговчи нега туҳматчилар гапига ишониб мени жиноятчига чиқарди? Саволларимга ким жавоб беради? Бир йил мобайнида чеккан азоб-уқубатларим ёлғиз Яратганга маълум. Наҳотки, гуноҳсиз гуноҳкор бўлиб қолсам?

Хайриятки, оқни оққа, қорани қорага ажратувчи одил судимиз бор. Шу йил 23 июнда жиноят ишлари бўйича Урганч туман судида судланувчи сифатида ишим кўриб чиқилди. Суд раиси С.Маматова менга қўйилган айблов бўйича чуқур текшириш ўтказди ҳамда барча даъволар асоссиз эканлигини исботлаб берди. Суд раиси ҳукмни ўқиркан, қулоқларимга ишонмайман: «...Судланувчи Шоназар Оллабергановга қўйилган айб батафсил текширилгандан кейин ҳам ўз тасдиғини топмаганлиги сабабли суд ушбу иш бўйича оқлов ҳукми чиқаришни лозим топди». Ниҳоят, адолат ва ҳақиқат ғалаба қилди!

Бу ҳукмни тергов жараёнида менга нисбатан ноҳақ қўйилган айбловга қарши ўқилган ҳукм деб биламан.

Айбсизлигим исботланди. Оқландим. Урганч туман прокурори томонидан апелляция тартибида келтирган протестни жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди апелляция судлов ҳайъати ажрим чиқариб, Урганч туман судининг оқлов ҳукмини ўзгаришсиз қолдирди.

2003 йил 16 сентябрда эса жиноят ишлари бўйича Хоразм вилоят суди раёсати ҳар икки суд қарорларини асосли, адолатли ва қонуний, деб топди.

Ҳаммаси яхшилик билан тугабди-ку, дегувчилар бор. Ҳа, суд фақат ва фақат Конституциямизга, қонунга таяниб ишни одил кўрганлиги туфайли ҳақ қарор топди. Шундай бўлса-да, кўнглимнинг бир четида турган гапни айтмасам бўлмайди. Менга нисбатан жиноят иши очилгандан бери қуйидаги саволларга ҳамон жавоб излайман: нега икки ҳамкасб — терговчи П.Ҳасанов ва С.Аллаберганов била туриб ҳақиқатдан кўз юмишди? Мени бадном қилишдан мақсадлари нима эди? Ёки улар бирор кимсанинг топшириғини бажаришганмикан? Туҳматчилар Баҳодир Қутлиев, Зулфия Матвалиева ва Султонбек Аллабергановлар менга нисбатан уюштирган туҳматлари учун жавоб беришмайдими?.. Жазосиз қолган жиноят янги жиноятни келтириб чиқармайдими?..

Шоназар ОЛЛАБЕРГАНОВ,
Хоразм вилояти, Янгиариқ тумани

ДЕЛЕГАЦИЯ — ИРОҚДА

Араб давлатлари лигаси бош котиби ёрдамчиси Аҳмад бин-Хилли раҳбарлигидаги делегация Сурия чегараси орқали Ироққа ўтди. Улар Ироқнинг ҳар бир музофотини, шунингдек, Саддам Ҳусайн даврида оммавий қатл қилинган жойларни кўздан кечирмоқдалар. Бундан ташқари, Ироқдаги муваққат бошқарув кенгаши аъзолари, сиёсий партиялар ва ҳаракатларнинг етакчилари, дин пешволари, қабила бошлиқлари билан ҳам учрашиб, музокаралар олиб бормоқдалар.

Ташрифдан сўнг тайёрланган ҳисобот эса келгуси йил мартда Тунисда бўлиб ўтадиган умумараб саммитида муҳокамага қўйилади.

Қувайтда чоп этиладиган «Ал-Анба» газетасида ёзишларича, лига делегациясининг ташрифи кейинги беш ярим йилдан бери энди биринчи бор амалга ошиши.

Ўз ўрнида Бағдод делегацияси ҳам келгуси йил 15 январда Ал-Қувайт шаҳрида бўладиган қўшни давлатлар ташқи ишлар вазирларининг бешинчи йиғинида биринчи марта иштирок этади.

Эслатиб ўтамиз: Ироққа қўшни давлатлар — Эрон, Туркия, Саудия Арабистони, Иордания ва Қувайт.



ЎТГАН ЙИЛГИДАН 13 ТАГА КЎП

Мазкур йилда ўз касбий вазифасини бажараётиб дунё бўйича 83 нафар журналист ҳаётдан бевақт кўз юмган. Шундан 20 нафари Ироқдаги ҳарбий ҳаракатлар даврида ҳалок бўлган. Бу ҳақда Брюсселдаги Халқаро журналистлар ассоциацияси маълумот тарқатди.

Ушбу нодавлат ташкилотда тайёрланган маърузада айтилишича, бу рақам ўтган йилгидан 13 тага кўп.

«Кўпгина мамлакатларда журналистлар айнан бажараётган вазифаси учун нишонга айланганлар. Бу эса ўша мамлакатларнинг ҳукуматлари журналистлар муҳофазасига ўта бепарволигидан далолатдир», дейилади маърузада.

ҚИШ БЕХОСИЯТ КЕЛДИ

Европа мамлакатлари бу йил қишнинг бехосият келганидан азият чекмоқдалар. Изғирин аралаш қор бўрони, кучли довул ва шамол Европа ҳаётига кўплаб мушкулликлар олиб келмоқда. Айниқса, шамолнинг соатига 150 километр тезликда эсиши йўлларда автоҳалокатлар сонини кўпайтирмоқда. Англия ва Финляндияда шамол тўплаган қор уюмлари натижасида нафақат автомобиль йўлларида ҳаракат тўхтаган, балки темир йўлларда ҳам поездлар қатнови тўхтаб қолди. Аэропортларда самолётларнинг учиши ва қўниши вақтинча бекор қилинди. Йўловчилар кутиш залларида жон сақлаб ўтиришибди.

Шамол ва қор бўрони натижасида Швецияда электр узатиш тармоқлари ишдан чиқди. Оқибатда 50 мингдан ортиқ хонадон электрсиз қолди.

Болтиқбўйи давлатлари ҳам қишнинг бундай «каромати»дан бебаҳра қолмади. Жумладан, Эстонияда паромлар фаолияти тўхтатилди. Барча кемаларнинг тезда портларга қайтишига буйруқ берилди.

Энг ачинарлиси, сўнгги ҳафтада Буюк Британияда 2500 киши изғиринга дош беролмай оламдан ўтди. Бу ҳақда BBC News Британия метеохизмати ва соғлиқни сақлаш жамияти берган манбаларга асосланиб хабар тарқатди.

Ўпка ва юрак касали билан оғриганларга жуда қийин бўлмоқда. Совуқ ҳаво ва намгарчиликнинг ортиши касаллик хуружини кучайтириб юбормоқда. Бу эса оғир оқибатларга олиб келиши мумкин.

Шифокорларнинг ҳисоб-китобларига қараганда, изғиринидан нобуд бўлганлар Англия, Шотландия ва Уэлсда ва Финляндиядагига нисбатан кўп.

ҚУТҚАРУВ ДАВОМ ЭТМОҚДА

Калифорнияда юз берган 6,5 баллик зилзила оқибатида 2 киши қурбон бўлган, 50дан ортиқ киши жароҳат олган. Ҳозир қутқарув ишлари давом эттирилмоқда.

Ер ости силкиниши Калифорния қирғоғи бўйлаб юз берган, яъни Сан-Франциско шаҳридан Лос-Анжелесгача. Сейсмологларнинг фикрича, зилзила эпицентри океан қирғоғидан бир неча километр наридаги Сан-Симеон шаҳрида қайд этилган. Зилзила 30 сониягача давом этган. Лекин шу вақт оралиғида қанча-қанча вайроналар келтирди. Эски иморатлар ер билан яксон бўлди.

Камбрия посёлкасида аҳвол анча оғир. У ерда зилзила оқибатида ёнғин келиб чиққан, электр узатиш тармоқлари ва телефон алоқаси узилган.

Хайриятки, зилзила эпицентридан 160 километр узоқликдаги Ал-Дьябло шаҳри атом электр станциясига шикаст етмади. АЭС ўз фаолиятини давом эттирмоқда, дея хабар беради Россия телевидениесининг биринчи канали.

Бундай кучли зилзила охирги марта 1994 йили юз берган эди. Ўшанда 7,1 балл ер силкиниши оқибатида 57 киши қурбон бўлган

КОНСТИТУЦИЯГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИЛАДИ

Шарҳ

УКРАИНА ОЛИЙ РАДАСИ (ПАРЛАМЕНТИ) МАМЛАКАТ КОНСТИТУЦИЯСИГА ЎЗГАРТИРИШЛАР КИРИТИШ БЎЙИЧА ТАЙЁРЛАНГАН ЯНГИ ҚОНУН ЛОЙИҲАСИНИ КЎРИБ ЧИҚДИ

Украина Конституциясига ўзгартиришлар киритиш зарурияти ҳақида мамлакат Президенти шу йил 5 март куни ўз халқига телеэфир орқали мурожаат қилган эди. Ўшанда икки палатали парламент тузиш ва Президент ваколатларининг бир қисмини парламентга бериш, депутатлар мандатини 5 йилга узайтириш таклифи ўртага ташланган эди.

Шундан бери ўтган давр мобайнида депутатлар учта қонун лойиҳасини тайёрладилар ва Украина Конституциявий судига тақдим этдилар. У эса лойиҳалар Асосий Қонун талабларига жавоб беришини эътироф этди.

Янги қонун лойиҳалари бўйича тўхталадиган бўлсак, 4105 рақамли лойиҳа Украина Коммунистик партияси фракцияси етакчиси Пётр Симоненко томонидан таклиф этилган. Унга кўра, мамлакат Президенти 2006 йили 5 йиллик муддат бўйича Олий Радага сайланган депутатлар томонидан сайланади. Бунинг учун кўрсатилган номзодлардан бири депутатлар орасида 3 дан 2 қисм овоз олишга эришиши шарт.

Бундан ташқари, мазкур янги лойиҳага кўра, янги Олий Рада бир ой муддатда кўпчилик депутатларни ўзига жалб этган коалиция тузиши лозим. Бу коалиция бош вазирни сайлаш учун Президентга номзодларни таклиф этади. Президент эса 15 кун ичида номзодни бош вазирликка тайинлаш таклифи билан депутатларга мурожаат қилади. Шунингдек, мудофаа ва ташқи ишлар вазирлари ҳамда Украина хавфсизлик хизмати раҳбари ҳам Президент тавсиясига биноан депутатлар томонидан тасдиқланади. Бош вазир тавсиясига кўра эса ҳукуматнинг бошқа аъзолари, қўмита ва жамғармалар раҳбарлари депутатлар тасдиғидан ўтади.

Олий Рада коалицияси ҳукумат фаолияти учун жавобгар ҳисобланади.

Лойиҳага кўра, Олий Рада уч ҳолатда: агар бир ой муддатда Олий Рада, яъни парламент коалиция таркибини тузолмаса; агар 3 ой давомида парламент янги Президентни сайлай олмаса; агар ҳукумат истеъфосидан сўнг 6 кун ичида ҳукуматнинг янги таркибини шакллантиришнинг уддасидан чиқа олмаса ва 30 кун ичида навбатдаги сессия мажлисини ўтказолмаса тарқатиб юбориш мумкин.

Парламентни тарқатиб юбориш ҳақидаги қарорни Президент парламент раиси ва унинг ўринбосарлари билан ҳамда депутатлар фракциялари ва гуруҳлар етакчилари билан маслаҳатлашувдан сўнг қабул қилади.

Мазкур қонун лойиҳасига муқобил тарзда яна бир лойиҳа 4180 рақами билан муҳокамага қўйилди. Кўпчиликни ташкил этувчи депутатлар мувофиқлаштирувчиси Степан Гавриш раҳбарлигида тайёрланган бу лойиҳа ҳам юқорида айтиб ўтилган лойиҳага ўхшаш, фақат Президент ва парламент сайловларини ўтказиш тартиби ҳамда муддатида фарқ бор.

3207-1 рақамли учинчи лойиҳанинг муаллифлари Социалистик партия етакчиси Александр Мороз, мухолиф блок етакчилари Юлия Тимошенко, Анатолий Матвиенко ва бошқалардир.

Ушбу лойиҳа ҳам Президент ваколатининг бир қисмини парламентга беришни назарда тутади. Бош вазирликка номзод сиёсий партиялар вакиллари орасидан Президент тавсиясига кўра тайинланиши белгиланган. Бошқа ҳукумат аъзолари (ташқи ишлар, ички ишлар, мудофаа ва фавқулодда вазиятлар вазирларидан ташқари) эса Президент билан келишилмасдан депутатлар томонидан тайинланиши лозимлиги айтилади. Шунингдек, қўмиталар, хизматлар, жамғармалар раҳбарлари парламент томонидан лавозимга тайинланади ва лавозимдан олинади.

Бу лойиҳада Президент ва парламент сайловларининг муддатию тартибига ўзгартиришлар киритилмаган.

Кўпчиликни ташкил этувчи депутатлар мувофиқлаштирувчиси ва парламентнинг конституциявий комиссияси ҳамраиси Степан Гавришнинг айтишича, 4105 рақамли биринчи лойиҳани қўллаб-қувватловчилар кўпчиликни ташкил этди.

Бироқ, унга қаршилар, яъни Конституцияга ўзгартириш киритилишига қарши депутатлар гуруҳи ҳам йўқ эмас. Украина Социалистик партияси депутатлари, Виктор Ющенко етакчилигидаги «Наша Украина» ва «Юлия Тимошенко блоки»нинг мухолиф фракциялари мазкур лойиҳа парламент мажлисида кўриб чиқилишига қатъий қаршилик кўрсатишди. Блок аъзоси Виктор Пинзеникнинг айтишича, улар мамлакат фуқароларининг Президент сайловидан маҳрум этилишига тоқат қилолмайдилар. Шунинг учун ҳам сешанба кунги парламент мажлисида, яъни биринчи лойиҳа муҳокамаси чоғида мухолифчилар минбар ва президиумни қуршаб олиб, депутатларнинг сўзга чиқишига имкон бермадилар ва бу қуршов чоршанбагача давом этди. Ҳатто, овоз беришнинг электрон тизимини ҳам синдириб ташладилар.

Президентнинг парламентдаги доимий вакили Александр Задорожний, агар мухолифчилар қуршовни бас қилмаса, қонун лойиҳасига овоз бериш имзо йиғиш йўли билан ёки қўлларни кўтариб ёқлаш орқали амалга оширилиши мумкинлиги ҳақида баёнот берди. Бу фикрни парламент спикери Владимир Литвин ҳам қўллаб-қувватлади.

Қисқаси, Украинада сиёсий ислоҳотларнинг бошланиши анча баҳс мунозараю тортишувларга ва ҳатто жанжалларга ҳам сабаб бўлди. Лекин, нима бўлганда ҳам парламент кун тартибига киритилган мамлакат Конституциясига ўзгартиришлар киритиш ҳақидаги масала кўпчилик депутатлар қўллаб-қувватлови остида ўз ечимини топди. «Интерфакс» ахборот агентлиги берган хабарга кўра, кеча қўл кўтариб овоз бериш йўли билан 276 депутат томонидан (аслида 226 депутатнинг овоз бериши етарли) биринчи лойиҳа маъқулланди.

Янги Қонун лойиҳаси келгуси йили бўладиган навбатдаги сессияда охирги марта овозга қўйилади. Лекин бунда камида 300 депутат уни қўллаб-қувватлаб овоз бериши лозим.

Алимқул СУЛТОН

«Тўйтепа металл қурилмалари заводи» очиқ акциядорлик жамияти жамоаси

Ўзбекистонимиз халқини яқинлашиб келаётган Янги — 2004 йил билан қизғин ва самимий муборакбод этади!

Мамлакатимизда амалга оширилаётган иқтисодий ислоҳотларга муносиб ҳисса қўшаётганимиздан фахрланамиз. Ўтаётган 2003 йил биз учун ҳам омадли ва баракали келди. Жамоамиз аъзоларининг саъй-ҳаракатлари билан қисқа муддатлар ичида республикамиздаги муҳим қурилиш иншоотларига металл қурилмалар етказиб берилди. Амударё узра ўтадиган автомобиль ва темир йўл қўшима кўприги, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати, Андижон шаҳридаги Олимпия коллежи, Фарғонадаги Азот ишлаб чиқариш бирлашмаси бинолари шулар жумласидан.





Биз бундан кейин ҳам юртимизда бунёд этилаётган йирик иншоотлар қурилишига сифатли металл қурилмалар етказиб бераверамиз.

Юртдошларимизни қутлуғ айём билан табриклар эканмиз, келаётган «Меҳр ва муруввват йили»да ҳар бир хонадонда тинчлик, тўкин-сочинлик ва фаровонлик янада зиёда бўлишини Яратгандан сўраймиз.

БУНЁДКОР ЮРТИМИЗГА АСЛО КЎЗ ТЕГМАСИН!

«ЖОНИМНИНГ МАЛҲАМИ»

Фарғонадаги Юсуфжон қизиқ Шакаржонов номли вилоят ўзбек мусиқа драма ва комедия театрида таниқли шоир ва адиб Оҳунжон Ҳакимовнинг «Жонимнинг малҳами» номли икки пардали лирик комедияси премьераси бўлиб ўтди.

Ўзбекистон халқ артисти Муҳаммадсоли Юсупов саҳналаштирган лирик комедияда ўзбек маҳалласининг ўзига хос анъаналари, халқ ҳаётидаги ўрни Меливой (С.Ҳакимов), Маҳаррамой (М.Позилова), Холпошша (Ўзбекистон халқ артисти Ё.Ҳотамова) каби қаҳрамонларнинг қизиқ тақдирлари орқали ёрқин ифода этилган. Янги спектакль томошабинларда катта қизиқиш уйғотди.

Алишер ИБОДИНОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири

Интер-спорт

ТАЙСОН ЖАНГГА ЧОҒЛАНМОҚДА



Майк Тайсон келаси йили ўтказмоқчи бўлган жанглари ҳақида мулоҳаза билдирди. У ўзининг бўлажак рақиблари деб Жон Мези ва Рой Жонсонни танлади. Янги йилда 37 ёшли Тайсон бор-йўғи 3 та жанг ўтказмоқчи. Ўта оғир вазн бўйича собиқ жаҳон чемпиони кейинги 18 ой мобайнида битта жанг ўтказган. У катта спорт билан хайрлашмоқчи эканини айтган бўлишига қарамай, сармоя танқислиги важидан яна жангга чоғланаётганини яширмаяпти.

У Пуэрто-рикалик Жон Руис билан америкалик Хасим Раҳмонов учрашувини алоҳида кузатганини айтди: «Шу ҳам бокс бўлдию, худди курашга ўхшайди. Мен ўзимнинг ҳозирги ҳолатимда ҳам уларнинг ҳар иккаласини енга оламан деб ишонаман», деди у.

Майк аввалига Жон Мези билан учрашмоқчи. Унинг фикрига қараганда, бу боксчи истиқболли спортчилардан бўлиб, уни ютгандан кейин Рой Жонсонга рўбарў бўлиши мумкин экан. Мухими, икки жанг мобайнида Тайсон етарли маблағ жамғариши мумкинлигини айтмоқда.

Шуни унутмаслик керакки, Рой Жонсон ҳозир WBA йўналиши бўйича ўта оғир вазнли боксчилар орасида жаҳон чемпиони саналади. Жон Мези эса 28 та жанг ўтказиб, ҳаммасида ғалабага (25 тасини нокаутли зарба билан) эришган.

Ҳақ-ҳуқуқингизни биласизми?

ИШДАН БЎШАТИШ ТАРТИБИ ВА...

Меҳнат аҳлининг республика касаба уюшмаларига мурожаат қилиш ҳолатини кўплаб кузатиш мумкин. Мурожаатларнинг аксарияти иш берувчи томонидан ноқонуний равишда ходимни ишдан бўшатиш, зарарни қоплаш, бошқа ишга ўтказиш, иш ҳақи ва меҳнатни меъёрлаш ҳамда унинг муҳофазасига доирдир.

Жорий йилнинг бугунги кунигача Ўзбекистон касаба уюшмаларига 15 минг 789 та мурожаат келган бўлиб, уларнинг 12 мингга яқини ижобий ҳал этилди. Келаётган мурожаатлардан шу нарса маълум бўлмоқдаки, айрим иш берувчилар томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексини қўпол равишда бузиш ҳолларига йўл қўйилмоқда. Шуниси таажжубланарлики, ҳатто катта корхоналарда ҳам меҳнат қонунчилигининг оддий талабларини билмаслик ҳолатлари мавжуд.

Фикримизнинг далили сифатида меҳнат дафтарчасини юритиш билан боғлиқ масалани олайлик. Шу йилнинг 20 августида «Биоэкосан» илмий ўқув маркази директори ўринбосари Бахтиёр Исматов иш берувчи томонидан қўпол қонун бузилишларига йўл қўйилган ҳолда ишдан бўшатилди.

— Маълумки, — дейди Ўзбекистон касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши (ЎзКУФК) ҳуқуқшуноси Н.Тиллахўжаева, — 1996 йилдан Ўзбекистон Республикасининг янги Меҳнат кодекси амалга киритилиши муносабати билан барча меъёрий ҳужжатлар унга мувофиқлаштирилган. Шу жумладан, «Меҳнат дафтарчаларини юритиш» тўғрисидаги йўриқномага ҳам тегишли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Ушбу йўриқномага асосан 1996 йилдан эътиборан меҳнат дафтарчасида ишдан бўшаш сабаблари кўрсатилмайди, яъни **«меҳнат шартномаси бекор қилинди»** ёзуви билан чекланилади. Б.Исматов эса меҳнат дафтарчасига **«ишга совуққонлиги туфайли ишдан бўшатилди»** деган ёзув киритилган ҳолда ишдан озод этилган. Бу ҳам етмагандек, меҳнат дафтарчаси узоқ вақтгача расмийлаштирилмай, эгасига топширилмаган. Мутахассисларнинг саъй-ҳаракатлари билан Шайхонтоҳур туманлараро фуқаролик суди Бахтиёр Исматовни ишга тиклаш ва мажбуран бекор юрган вақти учун етказилган моддий зарар билан бирга 50 минг сўм миқдоридаги маънавий зарарни ундириш тўғрисида ҳал қилув қарори қабул қилди.

— Мен иш берувчи томонидан асоссиз равишда ишдан бўшатилган эдим, — дейди «Кумуш» қўшма корхонаси ходими Т.Присмотрова. — Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши мутахассисларининг саъй-ҳаракатлари билан менинг иш берувчи томонидан Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодексининг 100-модда, 2-қисмининг 4-банди ва 182-модда талаблари қўпол равишда бузилган ҳолда ишдан бўшатилганлигим аниқланди. Шу билан бирга ҳужжатларни ўрганиш жараёнида иш берувчи томонидан қабул қилинган ички меҳнат тартиби қоидаларида «меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати» ишлаб чиқилмаганлиги аён бўлди.

Дарҳақиқат, Меҳнат кодексининг 100-модда 2-қисми 4-бандида «Меҳнат вазифаларини бир марта қўпол равишда бузишларнинг рўйхати» ички меҳнат тартиби қоидалари билан белгиланиши кўрсатилган. Юқоридаги рўйхат бўлмай туриб ёки рўйхатга киритилмаган асосларга кўра меҳнат шартномасини бекор қилиш мумкин эмас. Бу қонунга зид ҳолат. Ана шуларга асосланган ҳолда касаба уюшмаларининг аралашуви билан Т.Присмотрова ишга тикланди ва унга етказилган моддий зарар ундириб берилди.

Таъкидлаш жоизки, иш берувчиларнинг ҳуқуқий жиҳатдан, айниқса, меҳнат муносабатлари борасида етарли билим ва савияга эга эмаслиги ходимлар ҳуқуқларининг поймол этилишига олиб келмоқда. Қашқадарё вилояти Чироқчи туманидаги «Савдо» очиқ турдаги ҳиссадорлик жамиятининг иш берувчиси ушбу жамият тафтиш назорат бўлими тафтишчиси Ҳ.Бойқобилов билан тузилган меҳнат шартномасини Меҳнат кодекси 100-моддасининг 1-бандига кўра бекор қилишда қўпол қонун бузилишларига йўл қўйган. Яъни, қисқартириш ҳақида ходимни 2 ой аввал огоҳлантирмай, ишдан бўшаш нафақаси ҳамда товон пулларини тўламасдан уни ишдан бўшатиб юборган. Натижада, иш берувчи томонидан ходимни ишдан бўшатиш жараёнида Меҳнат кодексининг 67-, 102- ва 107-моддалари талаби бузилган. Касаба уюшмаларининг аралашуви билан Ҳ.Бойқобиловга товон пуллари ундириб берилди.

Афсуски, бунга ўхшаш мисолларни кўплаб келтириш мумкин. Ҳаммасига эса ҳуқуқий саводнинг етарли эмаслиги сабабдир. Шуни унутмаслик керакки, ўзгалар ҳуқуқингни оёқ ости қилмаслиги учун аввало, ўз ҳуқуқингни ўзинг мукаммал билишинг керак.

Муҳаббат ЎРМОНБЕКОВА,
Ўзбекистон Касаба уюшмалари Федерацияси Кенгаши матбуот котиби

Ҳикматли сўзлар маъноси

КЎЗДАН ЙИРОҚ — КЎНГИЛДАН ЙИРОҚ

Мазкур мақол: «Ёр-дўстлар, қариндош-уруғлар бир-бирлари билан тез-тез учрашиб, ҳол-аҳвол сўраб турсалар, бир-бирларига яна ҳам яқинроқ ва қадрлироқ бўладилар. Акс ҳолда бир-бирларидан тобора узоқлашиб, меҳру оқибатлари, қадр-қимматлари сустлашиб бораверади», деган маънода қўлланилади. «Кўздан нари — кўнгилдан нари», «Яқинликнинг белгиси — келиб-кетиб тургани, Узоқликнинг белгиси — сира келмай кетгани»; «Келиш-кетиш — туққанликнинг белгиси»; «Кўз қаерда бўлса, меҳр шу ерда бўлади»; «Кўз кўзга тушса, меҳр қўзғалар»; «Кўз кўрмаса, кўнгил севмас»; «Кўзга яқин — кўнгилга яқин»; «Кўз қизиқса, кўнгил қизийди»; «Қудачиликнинг қизиғи — бориш-келиш»; «Кўздан кўз тойса, Кўнгилдан сўз тояди»; «Кўздан тушган — тилдан ҳам тушар» (Кўздан тушган, яъни назардан қолган одам халқнинг тилидан ҳам тушади, ҳеч ким уни тилга олмай қўяди, бора-бора номи ўчиб кетади», дейилмоқчи); «Яқинни олис қилма, олисни яқин қил» (Бу билан: «Яқин қариндош-уруғларингни, ёр-дўстларингни тез-тез йўқлаб тур, уларни ҳурмат қил, қаттиқ-қурум гапирма ва ўзингдан узоқлаштириб юборма. Узоқ қариндошларингни, ёр-дўстларингни ҳам йўқлаб, ҳурмат ва яхшилик қилиб, ўзингга яқинлаштириб ол», деган маънода насиҳат қиладилар).

КЎЗ КЎЗГА ТУШСА, ЮЗ УЯЛАР

Бу билан: «Аввало бировни орқасидан ёмонлама, бировнинг ҳақини ема, бир кунмас-бир кун бу нарса аён бўлиб қолади, кўзинг кўзига тушса, ўзинг уялиб қоласан», дейилмоқчи.

«Сағбон-нон» ОАЖ акциядорларининг навбатдан ташқари умумий мажлиси 2003 йил 12 декабрь куни ўтказилди.

Мажлис қарори:

1. Жамиятнинг қўшимча чиқариладиган 15390 дона акцияси акциядорлар ўртасида тенг равишда 2003 йил 9 ойлик соф фойдадан бериладиган дивидендлар ҳисобига тарқатилсин.
2. Жамиятнинг қўшимча эълон қилинган акцияларини чиқариш учун эмиссия проспекти тасдиқлансин.
3. «Сағбон-нон» ОАЖ раиси А.Н.Ҳикматовнинг 2003 йил 9 ойлик молиявий-иқтисодий якунлари бўйича маърузаси қониқарли деб топилсин.
4. 9 ойлик натижа бўйича дивидендлар тўлаш тасдиқлансин.
5. Қуйидаги номзодлар жамиятнинг Кузатув кенгашига аъзо қилиб сайлансин:
   1. Юлдашев Ф.А.
   2. Рустамов Р.А.
   3. Ибрагимов Ф.М.

5.1. Тафтиш комиссияси аъзолари сайланди: Пўлатова Н., Мусретов Р., Воронина Н.

Эмиссия рисоласи Қимматли қоғозлар бозори фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш маркази томонидан рўйхатга олинган.

Ўзбекистон Республикаси ташқи иқтисодий фаолият Миллий банки Тошкент шаҳар бош бошқармасининг бўлим бошлиғи Саид Муродовга падари бузруквори

ЎРОЛ отанинг

вафоти муносабати билан унинг дўст-биродарлари чуқур таъзия изҳор этадилар.

BOSH MUHARRIR:
Safar OSTONOV

TAHRIR HAY`ATI:
Abdulla ORIPOV
Abdulhafiz JALOLOV
Azimjon AYUPOV
Aziz NOSIROV
Ashur QODIROV
Bobir ALIMOV
Habib SA'DULLA
Norbobo SHAKAROV
(Bosh muharrir birinchi o`rinbosari)
Alimqul SULTONOV
(Bosh muharrir o`rinbosari)
Andrey ORLOV
(Bosh muharrir o`rinbosari «Golos Uzbekistana»)
Nomoz SA`DULLAYEV
Rahima HAKIMOVA
To`lepbergen QAIPBERGENOV
Abdug'ani MAMASODIQOV
(Mas'ul kotib)

MUASSIS:
O`ZBEKISTON XALQ DEMOKRATIK PARTIYASI MARKAZIY KENGASHI

BO`LIMLAR:
Siyosat, partiya va xalqaro hayot 133-44-55
Ma`naviyat va ma`rifat 133-69-45
Ijtimoiy hayot va iqtisodiyot 133-20-36
Parlament va huquq 136-57-20
Axborot, sport va harbiy vatanparvarlik 133-21-43
Xatlar va ommaviy ishlar 133-12-56 (Tel. Faks)
Kotibiyat 133-72-83
Reklama va e`lonlar 133-38-55, 133-47-80, 133-06-83 (Tel. Faks)

VILOYAT MUXBIRLARI:
Andijonda — 25-16-16
Buxoroda — 222-10-92
Gulistonda — 25-03-80
Jizzaxda — 5-49-85
Navoiyda — 3-39-20
Namanganda — 6-43-43
Nukusda — 222-70-12
Samarqandda — 35-20-54
Urganchda — 226-51-35
Farg`onada — 26-43-62
Termizda — 3-79-98

MANZILIMIZ:
700000, TOSHKENT, MATBUOTCHILAR KO`CHASI, 32-UY.

Navbatchi: Erkin XOLBOBOYEV

Gazeta «O`zbekiston ovozi»ning kompyuter markazida terildi va sahifalandi.
Sahifalovchi-dasturchilar: Ikromjon ISMOILOV, Elyor UBAYDULLAYEV

«Sharq» nashriyot-matbaa aksiyadorlik kompaniyasi bosmaxonasida chop etildi.
Korxona manzili: Buyuk Turon ko`chasi, 41-uy.

Gazeta O'zbekiston Respublikasi Davlat Matbuot Qo'mitasida 00004-raqam bilan ro'yxatga olingan.

Gazeta ofset usulida, A-2 formatida bosildi.
Hajmi 2 bosma taboq.

«O`zbekiston ovozi» materiallarini ko`chirib bosish faqat tahririyat ruxsati bilan amalga oshiriladi.

Г — 164
7619 nusxada bosildi
t — Тижорат материали
Topshirish vaqti — 21.00.
Topshirildi —
1 2 3 4 5 6
SOTUVDA ERKIN NARXDA

«Dedeman Silk Road Tashkent» mehmonxonasi

O'zbekiston xalqini va mehmonlarini kirib kelayotgan Yangi yil bilan tabriklaydi. Baxt-saodat, sihat-salomatlik va farovonlik tilaydi!

HOTEL DEDEMAN SILK ROAD TASHKENT



Азизлар, 2004 йилни мароқли кутиб олиш истагида бўлсангиз, бизнинг меҳмонхонамизга марҳамат қилинг! Ажойиб номерлар, «Ипак йўли» зали, «Туркуаз» ресторани — сизнинг хизматингизда, нархлар эса мақбулдир. Байрамона Янги йил кечасида ўтказиладиган викторинада қатнашиб исталган 5 юлдузли «Дедеман» меҳмонхонасида 1 ҳафта яшаш ютуғини қўлга киритишингиз мумкин. Бундан ташқари кўплаб бошқа совғалар ҳозирланган. «Паша» тунги клуби мусиқа ва рақс шайдоларини кутмоқда.

Маълумот учун телефонлар: 134-01-01, 134-85-85.

«Дедеман»га хуш келибсиз!